

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

МУҲАММАД РАҲИМХОН ФЕРУЗ

# ЭЛГА ШОҲУ ИШҚҚА ҚУЛ

Девон

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Ўз 1  
М 96

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи  
ГУЛСАРА ИСМОИЛОВА

Масъул муҳаррир: филология фанлари доктори, профессор,  
Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати  
АБДУРАШИД АБДУҒАФУРОВ

Тақризчилар:  
филология фанлари номзодлари:  
НУСРАТУЛЛА ЖУМАХУҶА  
ЖУМАГУЛ ЖУМАБОЕВА

Ўз 1

Ф 4702620102—40 1994  
М352(04)—94

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти, 1994 й.

ISBN 5-635-01452-6

## ХОРАЗМНИНГ ФОЗИЛ ФАРЗАНДИ

Тарихий шахсларга баҳо берганда, аввало шу кимсанинг оммага муносабати, аниқроғи халққа қай йўсин нафъи теккану, қай даражада зулми ўтганлиги каби мезонга таянилади ва шу тариқа қилган саъй-ҳаракатига қараб ё у мангуга дахлдор ҳурмат-обрўга эга бўлади ёки бунинг акси тавқи лаънатга учрайди. Тарихий шахсларга муносабат масаласида биз қай даражада ҳолис ниятда бўлсак, унинг фаолиятига шу тарзда аниқ ва тўғри баҳо берган бўламиз. Айниқса, ҳукмдор ижодкорлар фаолияти тўғрисида гап кетганда жуда аҳтиёткорлик билан иш тутишимиз керак бўлади. Хусайний, Амирий, Феруз тахаллуслари билан ажойиб шеърлар яратган Хусайн Бойқаро, Амр Умархон, Муҳаммад Раҳимхони Соний каби соҳиби салтанат ижодкорлар шеърини узоқ йиллар мобайнидаги эътиборсизлик ва ноҳолис қарашлар туфайли шу пайтгача кенг ўрганилмай, оммага ҳавола қилинмай келинди.

Машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд томонидан «буюк маърифатпарвар» деб баҳоланган Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ижоди бутунги кунда тадқиқга жуда муҳтож.

Муҳаммад Раҳимхон сиёсатда ҳам, маданий соҳада ва адабий жараёнда ҳам ўзининг юксак истеъдодини намойиш қилди. Унинг қирқ етти йиллик ҳукмронлик даврида мамлакат жуда тинч ва осойишта ҳаёт кечирди. Муҳаммад Раҳимхон ўзигача бўлган Хоразм ҳукмдорлари ичида энг саҳоватли ва мурувватлиси эди.

Ҳар бир давр ўз кечмишига, тарихий силсиласига эга. Гарчи даврлараро маълум бир умумий муштараклик ҳукм сурса ҳам, ҳар бир замон, фурсатларнинг ўзига хос, такрорланмас, бошқа даврларникига ўхшамайдиган ва қайтарилмас жиҳатлари бўлади.

Асрлар оша маданият юксак равишда ривожланиб келган Хоразм ўлкасида, айниқса Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврида плм-фан, маданият ва дин ўзига хос юксалиш ва янги ланиш даврини бошидан кечирди. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Раҳимхон маърифат тақомиланинг узлуксиз ва силсилали ода-анъаналарини давом эттирувчи олий бир ижрочи сифатида май-донга чиқди. Воҳадаги маданий ўсиш-ўзгаришлар, китобат иш-ларининг ривожини, мусаввирлик, мусиқа санъатидаги яратилиш-

лар, шеърятнинг ранго-ранг шакл ва моҳиятларда намоён бўлиши каби ижобий силжишлар бевосита Муҳаммад Раҳимхон номи билан боғлиқ эди.

Муҳаммад Раҳимхоннинг алоҳида эътибор ва кўмаги натижасида кўпгина қалам аҳллари хотиржам ва осойишталик билан ҳаёт кечирдилар ва ижод қилдилар.

Айтиб ўтиш жоизки, Хоразм ўлкасида ҳеч бир даврда Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги давридагичалик кўп ижод аҳли етишиб чиқмаган. Табибий, Баёний, Аваз Ўтар, Чокар, Фақирий Мутриб, Сафо Муғанвий, Роғиб, Ниёзий, Девоний, Доий, Сўфи, Партав каби ўнлаб истеъдод эгаларининг номини санашимиз мумкин. Ҳасанмурод Лафғасийнинг «Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлигида яшаб ижод қилган шоирлардан 54 нафарининг номи келтирилади. Буларнинг аксарияти саройда хизмат қилган. Муҳаммад Раҳимхон бу ижодкорларнинг ҳар бирига ўз қобилиятига қараб иш топширган. Масалан, шеърятда кўзга кўриниб қолган, кучли истеъдод эгаси бўлган Табибийни сарой шоирларининг сардори қилиб тайинлаган. Доийни ростгўй ва сўзамоллиги учун масжидга вонз қилган. Ғоятда чиройли хат битувчи Чокар хаттотлик вазифасини бажарган. Қўрқмас ва шижоаткорлиги учун Муҳаммад Раҳимхон томонидан кўҳна Урганчга ҳоким қилиб қўйилган Шинсий гўзал шеърлар ёза бошлаганидан кейин саройга олиб келиниб, вазир этиб тайинланган.

Муҳаммад Раҳимхон ҳар бир шахсга вазифа тайин этганда, биринчи навбатда унинг ижодий қобилиятини ҳам эътиборга олган. Иқтидорли кимсаларга ғоятда меҳр билан қараган ва муруватлар кўрсатган. Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли Исфандиёрни ўзига ваъиаҳд қилиб тайинлашининг боиси ҳам ўғлининг ўткир фаҳми ва шеърга кучли ихлоси борлигида эди. Фаррух тахаллуси билан бадийий жиҳатдан шишиқ шеърлар ёза бошлаган Исфандиёрга Муҳаммад Раҳимхон бошқа ўғилларига нисбатан кўпроқ меҳр ва умид билан қаради. Эҳтирос ва нозик туйғуларга тўла қалбдан фақат эзгулик ва фидойилик кутган Муҳаммад Раҳимхон минг машаққатлар ичнда бошиқариб келган ва анча ривож топган мамлакатини ўғлига ишониб топширди. Афсуски, бу ишюч ўз қадрини топмади.

Шу давргача адабиётшунослигимизда саройларда яшаб ижод қилган шеърят аҳли ҳақида асосан потўғри хулосалар ҳукм сурди. Бу фикрлар аксар ҳолларда сарой доирасидаги шоирлар ижодини илкор қилиш, унга салбий муносабатда бўлиш жараёнида кўринади.

«Феруз ва бошқа сарой шоирлари ижоди ғоявий, тематик жиҳатдан жуда камбағал бўлиб, улар ижодида ғоявий сустилик

кўзга яққол ташланади. Хон саройида адабиётда тақлидчилик, пайрав шеърлар ёзиш айниқса авж олган» каби фикрлар кўпгина адабий-илмий мақолаларга асос бўлди. Бу каби нотўғри фикрларнинг туғилишига сабаб бевосита Феруз ижодига, шахсиятига нотўғри ёндашув билан боғлиқдир. Чунки Ферузнинг адабий муҳитини жонлантиришдаги уринишлари, маданий жабҳани ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларига нотўғри баҳо берилди. Саройда яшаб қалам тебратган ва ижодий фаолиятлари шу давргача бизга номаълум бўлиб келаётган Асад, Оқил, Саъдий, Комёб, Содиқ, Омон, Шиносий, Ғозий каби шоирлар қолдирган мерос аъъанавийлик услубининг устувлиги билан диққатни тортади.

Муҳаммад Раҳимхон авлодини «шоирлар авлоди» деб атаса бўлади. Улкан қалб эгаси бўлган Ферузнинг таъсирли патижасида хон авлодидап ўндан ортиқ ижодкорлар етишиб чиқди. Комёб, Муродий, Султон, Оқил, Саъдий, Асад, Содиқ, Ғозий каби шоирлар Ферузнинг қариндош-уруғлари бўлиб, уларнинг ҳар бири камда биттадан девон тартиб беришган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг иқтидор кўлами кенг, ранг-баранг эди. У ажойиб ҳуснихат эгаси бўлган, санъат сирларини чуқур билган. Муҳаммад Раҳимхоннинг ўзи «Шашмақом»га ўн учта куй басталаган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг биз учун ғоятда муҳим фазилатларидан яна бири — унинг бадиий маҳорати юксак, гўзал шеърлар яратган истеъдодли шоирлигида эди. Феруз тахаллуси билан ижод этган Муҳаммад Раҳимхоннинг шеърини ўзига хос оҳангга эга, «Ишқий ғазаллар пири» ҳисобланган Феруз лирикаси сержило, сермазмунлиги билан ажралиб туради. Феруз лирикасининг бой жиҳатларидан бири мисраларнинг ғоятда оҳангдор, ўйноқ, дилбарлигидадир.

Ошиқ дилидан кечаётган эҳтиросли, лаззатли хаёллар, баъзан оғир, ҳазин ўйлар шон қаламида ўтли, ҳаяжонли, оғриқли дардларга айланади:

Оқдим, жонимга жавр айлаб мани ёр ўлтурур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксумни афгор ўлтурур.

Васли бирла шод этиб агёрни, ҳижрон аро  
Айлабон маҳзун мани чархи ситамкор ўлтурур.

Феруз ижодининг асос кўпчилигини ишқ-муҳаббат мавзуси, инсоний кечинмалар тафсилоти, дилбар ёрнинг гўзаллигини таъриф-таъсиф қилувчи шеърлар ташкил қилади.

Ҳар бир сўзида, мисрасида гўзал ва бокира, самимий ва содда, қалол ва покиза ўйлар, туйғулар, ҳиссий кечинмалар жо бўлган бебаҳо дурдоналар жойибаси, матофати уқувчини узнга жалб

қилмай, уни сархуш фикрларга тортмай қолмайди. Лирик қаҳрамон ҳаёлидан кечаётган изтиробли, гамгин ўйлар, айрилиқ, умидсизлик, огриниш азоблари ҳамма даврларда ҳам ҳар бир инсон қалбининг нозик шикваларини, огриқли кечинмаларини ёдга солади. Шоир шеърларининг замонавийлиги, барқарор кучи ана шу жиҳатларда кўринади.

Феруз шеърлятида гўзал маҳбуба таъриф-тавсифига бағишланган ўнлаб газаллар мавжуд. Шоирнинг иқтидор кўлами, ўзига хос маҳорати айниқса шу тахлит шеърларида очиқ кўринади:

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?  
Наргис эрканму ва ё ул чашми пурафсунмудур?

Ул гул олмишму қизил гул илкига бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунамудур?

Феруз ўзининг олижаноб фаолияти билан кўшгина савобли ва бахайр ишларга қўл урди. Ферузнинг самимий ва беғубор қалбидаги бу хислатлар унинг шеърларида ҳам акс этди:

Ишқ бир ўтдурур нечукким барқ,  
Айламас шоҳ била гадони фарқ.

Тахт соҳибни, ҳукмрон бир шахснинг камтарлик билан мазкур мисраларни битиши, айтиш жоизки, беқиёс самимийлик, олижаноблик белгисидир.

Феруз ижодида бундай асарлар қаторида ахлоқ-одобга, самимий инсон бўлишга ундовчи шеърлар ҳам бор. Бу каби газалларда биз маънан баркамол, фидойи қалб эгасининг видоларини тинглаймиз. Ҳақнинг берганига сабр-қаноат қилишга, чидам-саботга чорловчи мисраларда бир томондан эътиқодли, субутли бир инсоннинг қарашлари памоён бўлса, иккинчи томондан бу дил розларини ҳаётнинг бор паст-баландини, яхши-ёмонини кўриб, кўп нарсаларнинг шоҳиди бўлган кимсанинг ўғитлари, доно шахснинг маслаҳатлари деб тушуниш мумкин:

Саломат аҳли бошига фалақдин,  
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидан озурдадурлар,  
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.

...Маломат чекмайин десанг жаҳонда,  
Худонинг берганига қил қаноат.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,  
Ҳар ишда қилмағунг ҳаргиз надомат.

Шоир назаридаги «аҳли фаросат», англашиладики, даврнинг илмли кишилари: олим, шоир ва шу каби ўзини ўз эътиқодига фидо қилган одамлардир. Бу тоифа одамлар ҳам, демак, даврдан ёлчимаган. Шоирнинг ушбу фикрларида шунчаки нолишдан кўра кучлироқ бир нарса сезилади. Бу — куйиниш, халқ дардини ўзига ола билиш, қолаверса, замон олдидаги ўз ожизлигини идрок қилиш туйғусидир.

Феруз динга кучли эътиқод қўйган, теран ҳурмат билан қараган. Шоирнинг ижодий меросида бу фикримизни тасдиқловчи шеърлар мавжуд. Аксарият ғазаллар орасида шундай мисралар учрайдики, буларда шоирнинг дунёқараши, чин эътиқоди очиқ сезилиб туради:

Надомат бирла умрим ўтди, ё раб,  
Етур тонгла расулингдин шафоат,—

дейди шоир бир шеърда.

«Беайб парвардигор» дейишади. Инсон зоти борки, у хато ва камчиликни бошидан кечиради. Одамзод қилган гуноҳи учун охиратда жавоб бериши керак. Бу туйғу инсонни ҳар доим гуноҳдан тийиб туради. Унинг яратган олдидаги масъуллигини оширади. Гуноҳ қилиб қўйган ва қилишдан қўрққан одам тавбатаварруга ружуъ қўяди. Худога сизинади, ёлворади, ундан мадад сўраб илтижо қилади. Юқоридаги мисралар Ферузнинг шу руҳиятда ёзилган шеърларидан бир намунадир.

Феруз ижодидан ғазал, мухаммас, мусаддас, маснавий, рубоий каби жанрлардаги шеърлар ўрин олган. Табиийки, ғазал буларнинг ичида энг катта ўринни эгаллайди.

Феруз ижоди бизга тўлалгича етиб келган, дейиш мумкин. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида шоир қўлёзма меросининг ўнга яқин нусхалари сақланади. Бу китобларнинг барчаси ўша даврнинг билимли, иқтидорли хатотлари томонидан кўчирилган бўлиб, деярли нуқсон-камчиликлардан холидир. Айниқса, 12066—рақами билан сақланаётган бир мажмуа қоғознинг нафислиги, саҳифаларининг ғоят чиройли безаклар билан безатилганлиги, жуда гўзал ҳуснихати билан ўқувчи диққатини тортади. Бу мажмуа ўша даврнинг кўзга кўринган хатотларидан бири устод Муҳаммад Панох Хоразмий томонидан ҳижрий 1312, милодий 1894—1895 йилларда настаълиқ хатида кўчирилган.

Бундан ташқари, Феруз шеърлари баёзлар таркибида ҳам жамланган. Бироқ бу девон ва баёзлардаги шеърларнинг кўпчилиги бир-бирини такрорлаши устига уларнинг аксариятида

мисралардаги айрим сўзларнинг алмаштирилганлигини, баян ҳатто мазмунга мутлақо мувофиқ келмайдиган сўзлар битилаётганини тўлиқ кўрамиз. Ферузнинг илк бор нисбатан тўлиқ ҳолда чоп этилаётган ушбу шеърини китобига бундай чалқашликлар ҳам таъсир ўтказгани табиий.

Биз ушбу тўпламни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги қўлёзмалар хазинасида сақланаётган 12066, 3446-тартиб рақамли қўлёзмалардан фойдаландик, ҳамда шеърларни девон тартибига келтиришга уриндик.

Муҳаммад Раҳимхон—Феруз ижоди ва фаолияти, шубҳасиз, тўлиқ ўрганишга, қолдирган бадиий мероси эса кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этишга арзиди.

ГУЛСАРА ИСМОИЛОВА



## ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Зиҳи бордур зуҳурингга азал бирла абад пайдо,  
Тафаккур айлабон зотинг, қила олмас хирад пайдо.

Не ҳикматдурки, гулдек юз ато бир кимсага айлаб,  
Бировда булбулосо оҳу афғон беадад пайдо.

Қачон ҳамдингга гўё айлагум тилни мане бекас,  
Манга гар бўлмаса алтоғи ғазлингдин мадад пайдо.

Бу ҳам бор қудрату сунъинг тасдиқиға бир бурҳон  
Ки, қилдинг бу тўққуз қат осмонни беамад пайдо.

Нечук мақбуллиғ топғусидур аҳли жаҳон аро,  
Ул одамким, онга қаҳринг соридин бўлса рад пайдо.

Бориси хоҳиши тақдиринг ила бўлғуси мавжуд,  
Неким гар бандадин оламда бўлса неку бад пайдо.

Топар кавнайн ичра мақсад ила комини Феруз,  
Иноётинг била бўлса анга гар маснад пайдо.

\* \* \*

Бўлсун салом беҳад анга субҳ ила масо  
Ким, деди васфини они фўрқон аро худо.

Хоки қудумин айлади бўса ҳама расул,  
Билди ўзига шоҳ они жумлаи анбиё.

Ул шомким, ҳақ амри била айлади уруж,  
Топти ҳама мурод ила мақсудини раво.

Албатта ҳашрда топар онинг шафоатин,  
Ҳар кимсаким, жаҳонда қилур инқиёд анго.

Ҳар кимки, амри шаръийга гар сунмағай бўйун,  
Рўзи жазода бўлғуси икки юзи қаро.

Ҳар ким салому саловот этса одатин,  
Шаҳд шафоатин ичадур тонгла ҳашр аро.

Феруздек шафоатинг умидин этгамен,  
Ҳосил қил они лутфинг ила бобини манго.

\* \* \*

Ераб, иш субҳу масо журм ила исендур манга,  
Ики кўзум ушбу ғусса бирла гирендур манга.

Бошлағил тавфиқ ила роҳи ҳидоят сориға  
Ким, кўнгул ҳар дам залолат бирла жавлондур манга.

Ман аён қилмоқ санга лозим эмасдур ҳар нафас,  
Ким санга бордур намоеп неки пинҳондур манга.

Сеп агар лутфу инояту карам айласанг,  
Жўмлаини мушкул ики оламда осондур манга.

Афу ҳажридин бир қатра эҳсон айлагил,  
Ким ҳамиша журм ила исён фаровондур манга.

Маърифатнинг жонибиға бошла йўлким борҳо,  
Жаҳл сори хотири афкор жўендур манга.

Қил ато бир журъан фазлинг билаким, Ферузинг,  
Субҳ ила шом орзу дарён ғуфрондур манга.

\* \* \*

Нигоро, олди ҳушим, тарзи рафторингга салламно!  
Ерутти тийра кулбам, меҳри рухсорингга салламно!

Ишим қотил кўзунг бедодидин бўлмиш, баче, мушкул,  
Ичиб қонимни тўймас, чашми хунхорингга салламно!

Лабинг сўздин берур жон ўлган элга дарди ишқингдин,  
Равонпарвар лаби жонбахши гуфторингга салламно!

Ҳама ишқ аҳлидур, эй муғбача, зулфинг гирпфтори,  
Бори дин аҳлини банд этди — зунворингга салламно!

Дединг: «Лутф айлагум!», ўлтурдинг, аммо неча поз  
айлаб,  
Агар лутфинг бу эрса, жавру озорингга салламно!

Қилурсан поз, агар ман ҳар неча арзи ниёз этсам,  
Ситамкор маҳвашо, бу навъ атворингга салламно!

Сенга, Феруз, ўлуб бахт, этдинг ул ой қадди, зулфин васф,  
Бу янглиғ табъи позик бирла ашъорингга салламно!

\* \* \*

Ул ой васфини вирд этсам забонда,  
Неча йиллар адо бўлмас баёнда.

Добон маъшуқинг асру бевафодур,  
Манга кўп таъналар айлар жаҳонда.

Нетайким, ишқ зўр айлаб кўнгулга,  
Ул ойнинг меҳрини асратди жонда.

Ҳабибимга чу маҳрам бўлди ағёр,  
Эрурман ушбу ҳасратдин ғиғонда.

Фироқ ичра менинг бағрим қилиб қон,  
Нигорим, билмадим, эрмиш қаёнда.

Ҳумоюн бахт пла бўлсун саломат,  
Агар бўлса ҳабибим ҳар маконда.

Агар Ферузлик иқболинг эса,  
Висолиға етушкунг бир замонда.

\* \* \*

Гул юзунгга булбулосо ўтлуғ афғоним фидо,  
Сарви озодингга қумридек хуш алҳоним фидо.

Хирмани гулдек бўлуб киргил қучоғим ичраким,  
Гул киби ислаб юзунг, айлай санга жоним фидо.

Ваҳ, нечук кофирдурур икки кўзингким, бир қиё  
Ҳолима боқмас ҳам этсам нақди имоним фидо.

Гоҳ-гоҳи ман сорп қўйғил қадамким, айлайин  
Мақдаминг гардиға жон, эй кўнглум олғоним, фидо.

Эй париваш кулбамға элдин ниҳону ошкор  
Келки, то айлай санга пайдою пинҳоним фидо.

Чашми умидим ёр ўлғил меҳрдек юз бирлаким,  
Баҳри кон этсун санга чашми дурафшоним фидо.

Бахти Феруз ила гар топсам висолинг давлатин,  
Сўз дуррин базмингда айлай, эй сухандоним, фидо.

\* \* \*

Рухсорин очиб бир пари келди бу тун базмим аро,  
Бошдин оёқи бор экап меҳру вафо, нозу адо.

Чиқса фалакка ҳар саҳар оҳу фиғоним, не ажаб,  
Айлар фузунроқ ҳар кеча ул ой менга жавру жафо.

Билмон, не офат эрди ул бўлғоч назарга жилвагар,  
Ақлу хирад, исломум дин ўлди бори мендин жудо.

Жонинг учун ҳар дам манга кўргуз тараҳҳум, эй пари  
Ким, сабру тоқат қолмади жавринг чекиб субҳу масо.

Ойдек юзунгинг партави тушсун қаро кулбамға ҳам,  
Қўйғил қадам, эй маҳлиқо, очиб узори дилкушо.

Не суд, толеъ бўлса гар юз ою кун, ҳар субҳу шом,  
Нечунки бор Ферузға меҳру жамолинг муддао.

\* \* \*

Эй, юзунгдур ҳусн авжида мунаввар офтоб,  
Кўргач они заррадек этсам тонг эрмас изтироб.

Булбулосо айлабон тун-кун фиғону нолалар,  
Зор кўнглум гул юзунг шавқида бўлмишдур хароб.

Лаъли майтунинг фироқида етибман ўлгали,  
Васл аро лаълинг шароби бирла қилғил комёб.

Дўстлар, фарёду афғон этсам эрмас айбким,  
Дилбарим ағёрға лутфу манга айлар азоб.

Маҳрам эт васлинг аро иқболи Ферузинг кибн,  
Бу ҳазинни, эй суманбар, айламай нозу итоб.



\* \* \*

Дедим: «Кўзумни равшан эт меҳри жамолнинг кўреатиб!»  
Деди: «Узорим ўтига жонинг нетарсан ўргатиб?!»

Дедим: «Тараҳҳум айлабон ҳолимга қил наззора».  
Деди: «Кўзум жонинг фигор этгуси ноз ўқин отиб».

Дедим: «Висол ичра лабинг шахди менинг комим эрур».  
Деди: «Сапга бергум ани захри фироқ ичра қотиб».

«Дедим: «Лабингнинг шарбати ширинму ё кавсар суйи?»  
Деди: «Бўлурму ҳар суйи оби бақога ўхшатиб?!»

Дедим: «Недин эркап бугун олам муаттар бўлмоғи?»  
Деди: «Сочимни тонг ели юз узра солмиш бутратиб».

Дедим: «Кўзунг бедор қил ноз уйқусидин, эй пари».  
Деди: «Бу лаҳза фитнайи нойимни неткунг уйғотиб?!»

Дедим: «Кўзунгдип ўргилай, бир бўса бер Ферузга».  
Деди: «Юзумни офритур ҳар ён хатинг ниши ботиб».

\* \* \*

Етушти ҳажридин жопимға юз рапжу алам, ёраб,  
Кўруб ҳолимни, кам қилмас манга бир дам ситам, ёраб.

Висоли орзусида ўтурдим субҳ пла шомим,  
Муяссар бўлмади ҳижронида жуз дарду ғам, ёраб.

На қолди тоб жисмимда, на тоқат зор кўнглумда,  
Етур эмди висолиға ўзунг айлаб карам, ёраб.

Сочи савдосида доим қоронғудур манга олам,  
Менинг бу шони ҳижронимға еткур субҳидам, ёраб.

Ҳаҳоноро жамолидин менинг базмимға ҳам бир тун.  
Етургайму экаи равшанлиғ ул маҳваш санам, ёраб.

Агар лутф айлабон ўз илки бирла берса бир соғар,  
Кўнгулда қолмас эрди орзуйи жоми Ҳам, ёраб.

Не янглиғ сабр қилсун ул қуёш ҳижронида Феруз,  
Зиёд айлар жафосин, айламас бир зарра кам, ёраб.

\* \* \*

Бу оқшом келди ул дилбар адаб бирла салом айлаб,  
Ўлук жисмимга жон берди масиҳосо калом айлаб.

Шабистонимни қилди оразининг меҳридин равшап,  
Очиб рухсоридин парда, қуёш янглиғ хиром айлаб.

Аён айлаб жамолин қилди шомим субҳга табдил,  
Юзи ҳижронда ағёрнинг субҳини шом айлаб.

Келиб юз навъ нозу ишва бирла меҳр этиб оғоз,  
Қошимда ўлтуруб деди тилип мўъжиз калом айлаб

Ки: «Эй ҳажримда кўнгли лоладек доғ узра доғ ўлгон,  
Юурсан бўйла токи айши роҳатни ҳаром айлаб?

Висолимга чу етдинг шоду масрур айлабон ўзни,  
Баён айла манга сен арзи ҳолингни тамом айлаб».

Чиқориб бир суроҳий бода пайдар-пай қилиб лабрез,  
Ичурди қўл солиб бўйнуғга юз минг аҳтиром айлаб.

Кириб оғушима мажлис аро сармасти хоб ўлди,  
Тонг отгунча мани масти мудом шодком айлаб.

Ёри ушшоқини Феруз сармасти баҳор этти,  
Оллоҳ, шод эт они барчадин олиймақом айлаб.

\* \* \*

Олса жоним қошу кўзунг, икки лаб,  
Тозадин жон бергусидур иккилаб.

Етса соқий базми аро навбат манга,  
Майдин айлаб жомни тут лабо-лаб.

Лаъли майгунинг фироқидур менинг,  
Солгон ўт жонимға гар сўрсанг сабаб.

Ташлабон ҳижрон қоронғу чоҳиға,  
Қон оқиздинг кўзларимдин рўзу шаб.

Кеча-кундуз ғайр ила суҳбат тузуб,  
Нўш этарсан дам-бадам жоми тараб.

Зори саргардон бўлуб субҳу масо,  
Жону дил қилгусидур васлинг талаб.

Ўзгаларга кўргузуб лутфу карам,  
Не учун Ферузға қилгунг ғазаб.

\* \* \*

Зулфи мушкинини ул ой айлади юзга ниқоб,  
Ошиқу бечораларнинг кўзини қилди пуроб.

Оташин рухсори устида муанбар кокили,  
Ўтга тушган қил масаллик қилғусидур печу тоб.

Лутф этиб келдинг букун базмин аро, эй муғбача,  
Келтуруб жоми паёпай қил мани сармасти хоб.

Эй суманбар, ҳар қачон ишқ аҳлига солсанг назар,  
Ман ҳазинингни доғи ул жумладин қилғил ҳисоб.

Нўш этиб агёр ила гулранг май ул сарвнот,  
Айлади ман зорни рашк ўтиға бағрин кабо.

Гар такаллум чоғи дур сочса лаби ёқутидин,  
Айлай олғайму анга ўзин баробар дурри ноб.

Солибон Ферузни кўздин йироқ, эй позанни,  
Ғайр ила суҳбат тузуб ичкунгдур гулгун шароб.

\* \* \*

Ёримнинг рухсори оллида ҳижилдур офтоб,  
Ваҳки, онинг ишқи ўти қилди бағримни кабоб.

Ул паривашға дедим: «Лаълинг майидин бода тут».  
Ноз ила дерким: «Санга еткайму лаълимдин шароб?»

Елвориб ҳар печа лутф уммид қилсам ёрдин,  
Ул манга сўкуб-кулуб юз ноз ила айлар итоб.

То эрур жонинг баданда, иста жонон васлини,  
Етса ҳам, эй дил, санга йўлида юз ранжу азоб.

Ман дедим ёримға: «Лаълингдин ато қил бўсае!»  
Деди: «Эй Феруз, сабр эт, мунча кўргузма шитоб!»

\* \* \*

Лаълиға еткурубму ул гулузор шарбат,  
Таъм ичра буки топмиш кўп иштиҳор шарбат.

Ичгандек обиҳайвон руҳи равон топарман,  
Гар берса лабга элтиб бир коса ёр шарбат.

Гўё лаби суйидин бир қатра томизибдур,  
Қанд узра мунча бўлмиш кўп ширавор шарбат.

Ул шўх лабшакарнинг лаълиға етконидин  
Топмиш бу навъ қадру ҳам эътибор шарбат.

То қилди бўса ул шўх лаъли равон физойин,  
Ушбу хусусдин олди мандин қарор шарбат.

Жонимни рашк ўтиға, жоно, десангки ёқмай,  
Агёр бирла ичма кўб ошкор шарбат.

Шарбат висолинг ичра берма рақибларға,  
Ичмак муносиб эрмас ҳар нобакор шарбат.

Доим вужуди бўлғай эмин хазон елидин,  
Ҳар кимки, ёри бирла ичса баҳор шарбат.

На хуш саодат ўлғай Ферузлик қилиб бахт,  
Ҳар кеча ўз қўлидан берса пигор шарбат.

\* \* \*

Фурқатинг солди дилу жон ичра ўт,  
Куффи зулфинг дину пймон ичра ўт.

Наргиси шахло кўзунг солғусидур  
Бир ниғаҳдин боғу ризвон ичра ўт.

Оҳ чексам фурқатингдин ўртаниб,  
Тушгусидур байтулаҳзон ичра ўт.

Журмим, эй маҳваш, недур, ҳар дам солур  
Барқи ишқинг жисми вайрон ичра ўт.

Ой киби фаррух юзунгинг фурқати  
Солди кўкда меҳри рахшон ичра ўт.

Не ажаб, кўргач юзунг Ферузнинг  
Оҳидин тушса гулистон ичра ўт.



\* \* \*

Ўлмакка етдим ҳижрон ғамидин, ҳолимға эт раҳм, эй  
сарвиқомат,  
Қаддинг ниҳоли боди хазондин бўлсун, илоҳо, доим  
саломат.

Ишқингға тушдум, қолдим балоға, келмасму раҳминг бу  
мубталоға,  
Зўр айлаб ишқинг мен бенавоға, солди бошимға шўри  
қидёмат.

Қофур кўзунгга жону жаҳоним бўлсун тасаддуқ, эй  
меҳрибоним,  
Лаълинг майидин маст айла жоним, ғамдин тонай то  
бирдам фароғат.

Юз узра лаълинг чун қилди пинҳон хатти зумуррад, эй  
моҳитобон,  
Десам тонг эрмас, зулматда қолгон ҳайвон суйидин  
улдур аломат.

Васлинг шаробин нўш айлаб агёр, тун-қун эрурлар  
саршор-саршор,  
Ваҳким, бўлубман маҳруми дийдор, захри ғамингга  
қилдим қаноат.

Рашк ўти айлаб бағримни бир ён, ашқимни қилди дарён  
уммон,  
Андухи фўрқат ошуби бир ён, бир ён ҳужуму таъну  
маломат.

Чархи ситамгар айлаб манга кин, қилди санга қаҳр  
этмакни ойин,  
Биллоҳки, ғамдин бу жони ширин топмас тапимдин  
чиқмоқға фўрсат.

Аҳбоб васлинг хонида маҳзуз, ҳижрон ғампидин маъмуну  
маҳфуз  
Бордур манга ҳам мақсуди малҳуз, жоми висолинг  
йўқ шаҳди шарбат.

Бўлсун ҳамиша гардун ғуломинг, иқболи толеъ роми  
мароминг,  
Феруз ўлуб ҳар субҳ ила шоминг, ҳамроҳинг ўлуб бахту  
саломат.

\* \* \*

Печук офат эдинг, эй сарвиқомат,  
Бошимға солди ишқинг юз қиёмат.

Қиёмат шўришин жаҳонға солдинг,  
Жаҳондин мунъадам бўлди фароғат.

Фароғат истаган чиқсун жаҳондин,  
Топилмасдур тирикликда саломат.

Саломат аҳли бошиға фалақдин,  
Даме тинмай ёғар санги маломат.

Маломат тошидин озурдадурлар,  
Бу кўҳна дайрда аҳли фаросат.

Фаросат ҳайлининг оллада бу қул,  
Бошингга солмайин чини малолат.

Малолат чекмайин десапг жаҳонда,  
Худонинг берганига қил қаноат.

Қаноат бирла сабр ўлса санга иш,  
Ҳар ишда қилмағунг ҳарғиз надомат

Надомат бирла умрим ўтди, ёраб,  
Етур тонгла расулингдин шафоат.

Шафоат жомидин саршор қилгил,  
Ҳазин Ферузни шоҳи рисолат.

\* \* \*

Қачонким айласа ул Исойи замона ҳадис,  
Улук баданга берур умри жовидона ҳадис.

Бўлур бори шаккарин нуқтагўйлар абкаму лол,  
Не мажлис ичра қилур ул маҳи ягона ҳадис.

Ҳадисидин, неажаб, умри жовидон топсам  
Ки, ҳар дам оби Хизрдин берур нишона ҳадис.

Деса сўз ўзга ҳабибимдин, айламас таъсир  
Қулоқга ҳар нечаким бўлса қудсиёна ҳадис.

Бяҳамдиллаҳ, эрурман висолиға маҳрам,  
Нединки, бордур эшитмак манга баҳона ҳадис.

Муғаниё, тузуб «Ушшоқи рост» оҳангин,  
Наво қил, айлабон оғоз ошиқона ҳадис.

Гоҳи карам била Ферузни ҳам айлаб ёд,  
Замон-замон анга қил хат била равона ҳадис.

\* \* \*

Қадинг ҳажрида, эй ҳури паризод,  
Қилурман қумри янглиғ нола бунёд.

Даме бу ҳолима айлаб тараҳҳум,  
Висолинг базмида қилғил мапи шод.

Мунаввар оразинг чун моҳи анвар,  
Эрур зебо қадинг чун сарви шамшод.

Жафо таркин тутуб ман нотавонга,  
Ҳазин кўнглумни ғамдин айла озод.

Эрур ҳар киршикинг бир туки ханжар,  
Кўзунг жон олғучи бераҳм жаллод.

Не бўлғай бир кеча элдин ниҳоне  
Хиром этсанг қилиб Ферузни ёд.

\* \* \*

Гулшан ичра сарв ёхуд ул қади мавзунмудур?  
Наргис эрканму ва ё ул чашми пурафсунмудур?

Ул гул олмишму қизил гул илкига бу боғ аро,  
Ё шаҳиди ишқ қонидин қўли гулгунмудур?

Гул печук гулгун юзунга ўзни монанд айлағай  
Ким, онинг ранги юзунгдин дам-бадам афзунмудур?

Гул уза шабнамму ёхуд булбул ашқи ҳажридин  
Гул боши узра нисор ўлғон дури макнунмудур?

Буки, тинмай гулшан ичра нола айлар андалиб,  
Ул дағи бир гул ғамидин ман киби маҳзунмудур?

Дўстлар, Лайлини гулрўйимга ташбеҳ айламанг  
Ким, онинг девонаси мен зордек Мажиунмудур?

Эй кўнгул, ул гул висоли ичра шод эткан сани,  
Бахти Ферузингму ёхуд гардиши гардушмудур?

\* \* \*

Кўлуб деди манга бу кеча дилдор:  
«Бўлубмусан манга асру гирифтор?»

Дедимким: «Ошиқи зорингман, оре,  
Нетайким, васлингга йўл бермас агёр.

Санга агёр ҳамдам бўлса бир дам,  
Менинг бағрим бўлур афгору афгор.

Бу ҳолимни кўруб, қилгил тараҳҳум,  
Бўлубман дарди ишқингдин баса зор...»

Табассум бирла дур сочиб сўзидин,  
Дедимким: «Не ғараз бу сўздин, эй ёр?»

Дедим: «Лаълингдин этгил бўса эҳсон»,  
Деди: «Бу нукта бордур асру душвор».

Кўруб ул дамда беҳад изтиробим,  
Деди: «Феруз, бўлғум санга ғамхор».

\* \* \*

Шод ўлғил, эй маҳзун кўнгул, бу кеча дилдоринг келур,  
Ширин такаллум, гулбадан, лаъли шакарборинг келур.

Соз айла айш асбобини, очғил тараб абвобини,  
Рухсори оламтобини очиб севар ёринг келур.

Лаълин қилиб мўъжизбаён, бермакка умри жовидон,  
Юз навъ меҳр айлаб аён, жонбахш гуфторинг келур.

Ҳижрони ичра борҳо тортар эдинг ранжу ано,  
Бу дам тутуб расми вафо шўхи ситамкоринг келур.

Маҳзун қилиб ағёрни, шод этгали сен зорни,  
Тарк айлабон озорни, ёри вафодоринг келур.

Кўнглига нолапг бир саҳар таъсир қилмишдур магар,  
Ширин дудоқу сиймбар, фархунда дийдоринг келур.

Ферузбахт ўлғил мудом, эт нўши ишрат бирла жом,  
Авдоқки сарви хушхиром, озода рафторинг келур.



\* \* \*

Оҳким, жонимға жавр айлаб мани ёр ўлтурур,  
Ҳажр тигидин қилиб кўксимни афгор ўлтурур.

Берса жон ширин лабидин гар ўлук жисмимга, лек  
Қатлима айлаб ишорат, чашми хунхор ўлтурур.

Келса токи мажлисимга неча турлук ноз пла,  
Гаҳ қилиб хушдил, бўлуб гоҳи дилозор ўлтурур.

Гар назар қилсам ул ой рухсориға мойил бўлуб,  
Рашк ўтига ўртабон зулфи нигунсор ўлтурур.

Васли бирла шод этиб агёрни, ҳижрон аро  
Айлабон маҳзун мани, чархи ситамкор ўлтурур.

Ишқ айтур: «Масти хоб ўлғонда ўпгил лаълидин»,  
Ақл дер: «Қўй бу ишнинг, гар бўлса бедор, ўлтурур».

Ҳар неча йўлида жон қилсам фидо Феруздек,  
Айламай манзур они, ҳар дамда юз бор ўлтурур.

\* \* \*

Лутф пла айлаб табассум, келди чун базм ичра ёр,  
На анга бир кимса ҳамдам эрди, на агёр ёр.

Поз пла бошлаб такаллум деди ул дилбар манга:  
«Ҷайси маҳваш кўргузуб юз олди сандин ихтиёр?

Ҷайси бир жаллод кўз ҳолинг хароб этмиш сенинг,  
Ҷайси дилбар зулфига бўлдинг асир, эй дилфигор?

Ҷайси бир ёқутлаб дурдек тиши муштоқисан  
Ким, кеча-қундуз кўзунг ёши эрур гавҳарнисор?»

Ман дедим онинг бу янглиг илтифотини кўруб:  
«Сан эрурсан бағрим этган қон, чашмим — ашкбор».

Юз туман найранги бирла икки жоду наргисинг  
Ақду ҳушимни олиб қилди мани мажнуншиор.

Деди: «Эй Феруз, келдим қулбанга танҳо бу тун,  
Хоҳ сўргил, хоҳ ўн энгу лабу энгу узор».

\* \* \*

Еқут лабу гавҳар тишу гунча даҳан ёринг келур,  
Насрин узору доларух, хуршид рухсоринг келур.

Исо нафас, Юсуфи Чин, Мусо такаллум моҳрӯ,  
Ўқаллод кўзу бераҳм дил, шўҳи жафокоринг келур.

Мушқун қошу сунбул сочу моҳпайкару жонбахш дам,  
Сиймнизақан, гулпирақан, лаъли шакарборинг келур.

Меҳроразу фаррух юз, тўбиқаду ширинсухан,  
Тўти мақому гулбадан, товус рафторинг келур.

Қофирвашу ошиққушу позик мизожу тундхў,  
Саягин кўнгил, бедодгар, ёри дилзоринг келур.

Рангин адою тезфаҳм, абрўкамону хашмгин,  
Қотил нигоҳу бевафо, чашми хунҳоринг келур.

Иқболу Ферузинг бўлуб ёвар санга ул нозанин,  
Лутфу карам зоҳир қилиб, бўлмоқ учун ёринг келур.

\* \* \*

Қилдилар кўзум равшан орази дурахшонлар,  
Комим этдилар ширин лаъли шаккарафшонлар.

Ноз ила карам айлаб мажлис ичра келдилар  
Орази гулафшонлар, кокили паришонлар.

Хуснига берур зийнат бир-биридин афзунроқ,  
Юзда холи ҳиндулар, лабда хатти райҳонлар.

Жонфизо табассумдин лабларин қилиб хандон,  
Қилдилар сўруб ҳолим веча лутфу аҳсонлар.

Лаъли жонфизолардин бўсалар ато айлаб,  
Бердилар фироқ ичра хаста жонга дармонлар.

Нўш этиб майи гулранг мастлиғ қилиб ҳар дам,  
Бир-бири била ўйнаб чок этиб гирибонлар.

Сўз дурин нисор айла мақдамига, эй Феруз,  
Базминг ичра келмишлар бу азиз меҳмонлар.

\* \* \* \* \*

Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?  
Сарвқаду гулпираҳан, гунча даҳоним қайдадур?

Бир қпё боқмоқ била ақлимни торож айлаган  
Ул парпрухсор, мужғони синоним қайдадур?

Чиқти жоним фурқатида гул юзин кўрмай анинг,  
Жон берурга лаълидин Исо нишоним қайдадур?

Ноз пла жонимни олғон кўргузуб зулму снтам,  
Сангдилу бедодгару номехрибоним қайдадур?

Кечаю кундуз фироқида ўлар ҳолатдаман,  
Айттинг, эй аҳбоблар, жисм ичра жоним қайдадур?

Оҳу нолам чархфарсодур юзи ҳижрониди,  
Билмадимким, боиси оҳу фиғоним қайдадур?

Белу оғзи ёди бирла кўзларим гирён этиб,  
Ошкоро айлаган дарди ниҳоним қайдадур?

Васли бирла шод этиб агёрларни ҳар кеча,  
Байтулаҳзонимға бўлмай меҳмоним қайдадур?

Топмадим ул гул висолидин хабар Феруздек,  
Эй сабо, бергил хабар, оромижоним қайдадур?



Офтобосо жамолнинг кўргач ўлдум, эй нигор,  
Беқарору беқарору беқарору беқарор.

Тиғи ишқу ханжари нозингдин ўлдум субҳу шом,  
Дилфигору дилфигору дилфигору дилфигор.

Оҳу нолам айлади ишқингни охир даҳр аро,  
Ошқору ошқору ошқору ошқор.

Жавру зулминг бўлгондур ман ҳазинга дам-бадам,  
Бешумору бешумору бешумору бешумор.

Ой киби фаррух жамолнинг кўргали йўлунда кўз  
Интизору интизору интизору интизор.

Ноз ила сўранг самандинг сақратиб йўқ сен каби  
Шоҳсувору шоҳсувору шоҳсувору шоҳсувор.

Васлига йўл топса ҳар ким бўлгай ул Феруздек  
Бахтиёру бахтиёру бахтиёру бахтиёр.

\* \* \*

Айлади ҳайрон мани бир шўх чашми холдор,  
Кўргач они борди илкимдин инону ихтиёр.

Чинса раҳшии сакратиб майдонга гар, даврон элини  
Қилгуси дарёи ҳайрат ичра фарқ ул шоҳсувор.

Ваҳ, не янглиғ офат эрди солди ўт олам аро,  
Ўйнатиб қошу кўзини очибон гулгун узор.

Бўркини эгри қўюб зулфин паришон айласа  
Итгусидур порсолар кўнглидин сабру қарор.

Гул кўтармиш бошига шабнам дурин қилмоқ учув,  
Сайри боғ этсанг агар они қудумингга нисор.

Лола пойандоз учун баргин тўшаб йўлунг узра,  
Наргисе шахло кўзидур кеча-кундуз интизор.

Хўблиқ лофин урар гулшанда гул, эй жон, келиб  
Қилгил очиб гул юзунг ул хийра сарин шармисор.

Гул юзунгни кўрмак айлаб орзу субҳу масо,  
Кўзларим ёш тўккусидур мисли абри навбаҳор.

Ошиқи бечоралар ҳолига қилмоққа ситам,  
Йўқтурур оламда сандек бир парирухсор ёр.

Бу жаҳон раъноларига бўлма мафтун, эй кўнгул,  
Борчасидур бесаботу бебақою бемадор.

Айб қилманг гар паришонҳол эсам Феруздек,  
Айлади ишқи ул ойнинг жону кўнглум беқарор.

\* \* \*

Оразининг меҳрига хуршиди рахшон бандадур,  
Қомати зебосига сарви хиромон бандадур.

Чашми хоб олудиға наргис қилиб қурбон ўзин,  
Юзининг гулзориға фирдавси ризвон бандадур.

Рухпарвар нуктасига бўлғусидур қул Масиҳ,  
Жонфидо лаълиға онинг обиҳайвон бандадур.

Дарғаҳидадур Зулайҳо бир канизи камтарин,  
Партави рухсориға мнинг моҳи Канъон бандадур.

Лайлийи дўлпивашимнинг зулфи анбарборига,  
Айлабон жонин фидо Мажнуни ҳайрон бандадур.

Ул лаби ширин фироқида қолиб шому сабо,  
Васлин айлаб орзу Фарҳоди нолон бандадур.

Бахт ўлуб Феруз агарчи ҳар дор оша эрса ҳам,  
Ўпмак истаб лаъли шпринингни, эй жон, бандадур.



\* \* \*

Сочи сунбул, юзи гул, шўхи паризодим келур,  
Қилғоли комим раво ул сарви озодим келур.

Ишқида билмиш дурур ҳоли харобимни, магар  
Раҳм этиб ман сори букун қадди шамшодим келу.

Жилва бирла қомати сарвин хиромон айлабон,  
Тарк этиб озору жаврин кўзи жаллодим келур.

Васлин истаб борғоч—ўқ қўйи сори боқиб манга  
Деди ул ширинлиқо: «Ишқимда Фарҳодим келур!».

Жавру зулмин тарк этиб букун менинг кулбам аро,  
Лутф айлаб боиси афғону фарёдим келур.

Кўрубон Мажнуни забун ҳолим жунун водийсида,  
Деди таслим айлабон: «Ишқ ичра устодим келур».

Кўргач-ўқ Ферузни деди табассум кўргузуб:  
«Васлим айлаб орзу ул зори ношодим келур».

\* \* \*

Сакратиб майдонда рахшин ул пари жавлон қилур,  
Чусту чобукликда олам аҳлини ҳайрон қилур.

Сарвадду гул юзин кўрмаклик айлаб орзу,  
Булбули қумри ўзини шавқ ўтига сўзон қилур.

Кўз юмуб очгунча етса ишқ султони агар,  
Ақлу ҳушу сабр қасрин ер била яксон қилур.

Ҳажридин етса жафо ул дилрабодин ҳар неча,  
Ул жафонни васл умиди дардима дармон қилур.

Оҳким, ман нотавонни фурқат ўтига ёқиб,  
Васлида ағёрни саршор этиб шодон қилур.

Айлабон кўксум ҳадаф, қаҳру ғазаб зоҳир қилиб,  
Қошининг ёси била мужгон ўқин паррон қилур.

Жони зоримга неча қилса ситам парвонадек,  
Боши узра айлаб ўзини илсдор, онга қурбон қилур.

Илтифотингдин насиме етса, жоно, ман сори  
Боғи умидим гулини гунчасин хандон қилур.

Еғдуруб анжум ушшоқ тошини кажрафтордин,  
Олам аҳли умрини бунёдини вайрон қилур.

Аҳли хиссат етса давлатга, замова аҳлининг  
Бир фулуси кармана учун бағрини бирён қилур.

Сабр қил Феруз, агар қилса жафо бу чархи дун,  
Сабр қилгоннинг худо мушкулларин осон қилур.

\* \* \*

Не бало, мавзун келибдур қадди хушрафторингиз,  
Ваҳ, нечук жонпарвар эрмин шаккарни гуфторингиз!

Оби ҳайвон ўлди зулмат ичра ҳижлатдин ниҳон,  
Хатти Хизр ичра чу кўрди лаъли шаккарборингиз.

Инфиол айлаб Масиҳо чарх уза қилди уруж,  
Руҳафзо бўлди чун анфоси қудсосорингиз.

Кун уётдин айлади ўзин шафақ ичра ниҳон,  
Кўрди гулгун тўп аро то оташин рўхсорингиз.

Наргиси фаттон кўз очиб, қолди ҳайрон боғ аро  
Ким, қилиб наззора икки жодуйи хунхорингиз.

Очмас эрдук шўхлар ҳусни тамошосига кўз,  
Гар муяссар бўлса кўрмак бир назар дийдорингиз.

Ҳолимизга раҳм этингким, лаълингиз ҳижронида  
Нўш этиб хуноби гам, доим эрурмиз зорингиз.

Келди бу атворингиз расми муруватдин йироқ,  
Ҳажрингизда биз ғамип, васл ичра шод ағёрингиз.

Не сабабдин қилдингиз Ферузга нозу итоб  
Ким, ул эрди базмингиз ичра анису ёрингиз?

\* \* \*

Ҳар сўзида фош этар ул бутн танноз ноз,  
Бўлмуш анга гўйиё ҳамдаму ҳамроз ноз.

Ҳар неча ул шўхга арзи ниёз айласам,  
Айни тағофул била қилғуси оғоз ноз.

Нозлар айлаб қилур ишқ эли кўнглин шикор,  
Бўлди, магарким, анга шунқори шаҳбоз ноз.

Ноз пла боқғоч қиё ҳушуму сабрим олпб,  
Дашти жунунда мани қилди сабуктоз ноз.

Гар анга тузгил десам дўстлиқ оҳангини,  
Жаври мақомин тутуб қилғусидур соз ноз.

Турфа будурким, ўлук жисмима жон бергали  
Бўлди Масиҳо киби мўъжизапардоз ноз.

Гар тиласанг васлида ком пла Ферузлик,  
Сан анга кўб қил ниёз, этса гар ул оз ноз.

\* \* \*

Бизга тараххум айланг, эй дилбари гулузоримиз,  
Ишқингиз ўти сарбасар ёқди тани низоримиз.

Базмингиз ичра ўзгалар жоми тарабини нўш этиб,  
Биз гаму ҳажрингиз аро васли майи хуморимиз.

Сиздин умидимиз буму эрди қилиб хилофи аҳд,  
Дарду аламини қилдингиз бизнинг анису ёримиз.

Хоки қудумингиз тилаб шавқ ила тортар интизор,  
Йўлингиз узра сув сочиб дийдайи ашқборимиз.

Бўлсангиз айлабон карам кулбамиз ичра меҳмон,  
Мақдамингизга бўлғуси жавҳари жон нисоримиз.

Зарра мисол оғзингиз бирла ингичка белингиз,  
Ақлимиз олибон адам айлади йўқу боримиз.

Ошиқингизмиз, айлангиз базмингиз ичра бизни шод  
Ким, шабу рўз васлингиз жоми умидворимиз.

Дўстингизмиз, этмангиз суҳбатимиздин ижтиноб,  
Чунки муҳаббат аҳлининг соҳибн эътиборимиз.

Зулмингиз этти сарбасар кўнглумиз мулкани хароб,  
Гарчи замона аҳлининг Шоҳи Жам иқтидоримиз.

\* \* \*

Ул қуёш очиб юзич қилди мунаввар шомимиз,  
Қолмади жону кўнгулда заррадек оромимиз.

Эй сабо, кўйи сори қилсанг гузар одоб пла,  
Ул парилар шоҳига еткур бизинг пайғомимиз.

Соқийё, бир жом пла комимни ширин айлагил,  
Ўлтуруб зухд аҳли бирла талх бўлди комимиз.

Келмакидин ваъда айлаб эрди, ваҳким, келмади,  
Гўйинё бўлди пушаймон ваъдадин худкомимиз.

Жон қушига эмди йўқ озодлиғ ул қайддин,  
Холи мушқин дона бўлмиш, зулфи анбар— домимиз.

Шукриллаҳ, дилбарим лутфу мурувват кўргузуб,  
Сунди айлаб лаб-балаб ишрат майидин жомимиз.

Келгил, эй Феруз, қил эмди манга ҳамроҳлиғ,  
Каъба кўйи сори чун боғладуқ эҳромимиз.

\* \* \*

Айлаган ҳолим хароб, эй сарвинозим, сизмусиз?  
Кўрубон қилгон снтам ажзу ниёзим, сизмусиз?

Кўргузуб нозу адо дилбарлик ойини била,  
Жон қушини сайд қилгон шоҳбозим сизмусиз?

Равшан этган фурқатидин тийра бўлгон кўзларим,  
Меҳри рухсорин очиб, шамъи тирозим сизмусиз?

Базм этарга мажлис ичра дилраболар бўлса жамъ,  
Барча маҳвашлар ичида сарфарозим сизмусиз?

Раҳм қилмай ошиқи бечораларнинг ҳолига,  
Ишқ элига қаҳри кўпроқ, лутфи озим сизмусиз?

Масти лояқил қилиб мен зорини зухд аҳлига,  
Ошкоро айлаган пинҳонин розим сизмусиз?

Лутф этиб ҳақ, бахт ўлуб, Феруз, тондим салтанат,  
Шоҳлар ичра мен эсам Маҳмуд, Аёзим сизмусиз?

\* \* \*

Ёр кўнглимдаги асрору ниҳоним билмиш,  
Ишқида ҳар неки пинҳону аёним билмиш.

Лутф бирла бу кеча келди ёнимга гўё  
Ёнғонин фурқат ўтига тану жоним билмиш.

Чиқғонин гул юзи ҳижронида афлок узра  
Булбулосо тун-кун оҳу фиғоним билмиш.

Ҳожат эрмас анга арз айламак аҳволим  
Ким, вафо йўлида яхшию ёмоним билмиш.

Шукрим, толеъ Феруз пла бормиш хушҳол,  
Ишқида тузлуким ул қоши камоним билмиш.



\* \* \*

Айб айламанг бўлсам ул ой ишқида полон, эй рафиқ,  
Қилди ҳазин жонимни ҳажр ўтига сўзон, эй рафиқ.

Дарду ғам ҳижронида ҳолим кўруб раҳм айламас,  
Зулмин ғузун айлар манга ул номусулмон, эй рафиқ.

Топғусидур ўлган бадан нутқидин онинг тоза жон,  
Лаъли лабини ҳар қачон қилса дурафшон, эй рафиқ.

Юз ноз ила ул дилрабо қилса тақаллум ногаҳон,  
Қул бўлгуси, кўрса агар, минг моҳи Канъон, эй рафиқ.

Отиб қошининг ёсидин кирпик ўқини дамбадам,  
Бу ўқ била қилди кўнгул мулкани вайрон, эй рафиқ.

Роҳат тошар жоним менинг қилса ситам ҳар неча ул,  
Жаври магар бўлмишдурур дардима дармон, эй рафиқ.

Манъ айлама Ферузни ул маҳлиқонинг ишқидин,  
Бўлмиш онинг ишқи менинг жисмим аро жон, эй рафиқ.

\* \* \*

Сайри гулшан айлаганда ул суманбар, эй рафиқ,  
Ишқ ўтидин солди кўнглум ичра ахгар, эй рафиқ.

Уйнотиб қошу кўзини ақлу ҳушимни олиб,  
Айлади Мажнун мани ул шўли кофар, эй рафиқ.

Лаъли руҳафзосини ўпмак таманно айлабон,  
Бўлди кўнглум маъдани ёқуту аҳмар, эй рафиқ.

Айлагач лаъли табассум кўруб инжу тишларин,  
Доманимга тўкди кўз маржону гавҳар, эй рафиқ.

Ёғду оламни кўзумга қилди шоми тордек,  
Айлабон пинҳон юзин зулфи муанбар, эй рафиқ.

Ул париму равшан этган тийра бўлгон кўзларим,  
Кўкдин индиму ва ё хуршиди анвор, эй рафиқ.

Зоҳир айлаб жавру зулму қаҳру кин Ферузга,  
Айлади ҳолин хароб ул моҳи пайкар, эй рафиқ.

\* \* \*

Олдинг ниқоб юздин, әй дилрабо, муборак!  
Хуршиддек жаҳонга бердинг зиё, муборак!

Фархунда оразингни айларга шамъи мажлис,  
Келдинг тараҳҳум айлаб бу базм аро, муборак!

Ошиқларингга васлинг қўб ваъда айлаб эрдинг,  
Бу ваъдаларга охир қилдинг вафо, муборак!

Гоҳи табассум айлаб, гоҳи такаллум айлаб,  
Пинҳону фош қилдинг нозу адо, муборак!

Гоҳи олиб қўлунгга танбур, ўлуб навосоз,  
Ушшюқи бенавога бердинг наво, муборак!

Чиқмай усулдинки раққослиқ қилиб фош,  
Юз бўса бир дирамга қилдинг баҳо, муборак!

Феруз, кўнглинг этма қошу кўзига мафтун,  
Эркан ҳаёсиз асру ул шўхи номуборак!

\* \* \*

Эй фалак, нетдим сани, душманлиг изҳор айладинг,  
Нотавон кўнглум туганмас гамга дучор айладинг.

Солибон айру малаксиймо ҳабибимдин мани,  
Ғулсурад, девсийратлар била ёр айладинг.

Васл ила бир дам хуш этмай хотири ношодими,  
Доимо дарду фироқу гам аро зор айладинг.

Ҳажр тигидин қилиб жисмимни сартосар яро,  
Ҳони зоримни машаққат бирла афғор айладинг.

Давлати васлин муяссар айлабон ағёрға,  
Меҳнату ҳажрига кўнглумни сазовор айладинг.

Бир лаби майгун, кўзи хуммор ҳижрони аро  
Ҳон ёшим кўзда равон, жонимни бемор айладинг.

Бир йўли айланмайин Ферузнинг коми била,  
Эй фалак, нетдим сани, душманлиг изҳор айладинг.

\* \* \*

Хусн авжининг хуршидидур, эй моҳсиймо, оразинг,  
Балким, латофат ичрадур ондин ҳам аъло оразинг.

Кун зоҳир айлаб инфпол ўлди шафақ ичра ниҳон,  
Субҳи саодатдин тулуъ этгач мусаффо оразинг.

Сарв узра очилмиш гули аҳмар дебон ҳасрат қилур,  
Кўрган киши қаддинг уза бу навъ зебо оразинг.

Хусну латофат рамзини ишқ элига билдургали,  
Гулгун саҳифа устида хат қилди пайдо оразинг.

Кўнглум қуши булбул кибн тинмай наво чекса, нетонг  
Ким, они бу навъ айламиш хушлаҳн гўё оразинг.

Ишқингдин ўлганлара бер, жоно, ҳаёти тозаким,  
Лаълингдин этмиш чашмайи ҳайвон ҳувайдо оразинг.

Тушму экандур, ё хаёл айлаб табассум бўйпума,  
Илқинг солиб қўйдинг юзим узра, дилоро, оразинг.

Бўлса кўзумға ёғду кун тундек қоронғу, не ажаб  
Ким, зулфи шабранг остида қилмишсан ихфо оразинг.

Шаҳло кўзу мушқин қошу холи муанбарлар била,  
Зийнатлиғ этмишдур, баса, тангри таоло оразинг.

Сабру қарору тоқатим борди кўнгулдин, эй пари,  
Васлинг аро бир дам кўзум қилғоч тамошо оразинг.

Иқболи Ферузинг кибн бўлмоқ тиларман мунисинг,  
Ешурма ҳақ ҳаққи учун, эй шўҳи якто, оразинг.

\* \* \*

Кўнглумга солди, ваҳ, ишқ ўтпнким бир гамза бирла  
тарзи нигоҳинг,  
Қилди кўзумга оламини тийра юз узра тушган зулфи  
сиёҳинг.

Қилгоч тамшо меҳри жамолнинг ишқинг гамига бўлдум  
гирифтор,  
Елғуз эканму бу дилраболинг, бордурму ёхуд меҳри  
гиёҳинг.

Сан ҳусн авжи узра эурсан то бандайи ойдек шоҳ, магар  
Ким, дилраболар тенгрангдадурлар андоқки ҳайли анжум  
синоҳинг.

Ою қуёшга қилмас назора гар кўрса ушшоқ ҳайратлар  
айлаб,  
Жоно, қамардек рухсоринг ила хуршид, гавҳар заррин  
кулоҳинг.

Айни карамдин қилгил назора айлаб тараҳхум ҳолимга,  
эй шўҳ,  
Бўлсун, плоҳи, ҳусн авжи узра мундин буюкрак иқболу  
жоҳинг!

Ҳажр ичра гамдин ўлмакка етдим раҳм айлаб эмди,  
бўлгил паноҳим,  
То барча коминг айлаб муяссар бўлсун ҳамиша тангри  
паноҳинг!

Феруз, ёринг ортуқроқ айлар жонингга ҳар дам жавру  
жавосин,  
Гар тавба қилсанг оллида йиғлаб ўтмасму эркан журму  
гуноҳинг!

\* \* \*

Ёқутдурму билмадим ё лаъл, эй жонон, лабинг,  
Ё оразинг гулзорида борму гули хандон лабинг.

Лаълингни бир ўпмак била топтим ҳаёти жовидон,  
Иъжози Исому экан ё шарбати ҳайвон лабинг.

Кулгу чоғи зоҳир бўлур бу мусаффо тишларинг,  
Гўё алардур бебаҳо дур, ҳуққайи маржон лабинг.

Кўздин тўқуб ҳижрон аро доим сиришки лолагун,  
Ўпмаклик айлаб орзу тун-кун ютарман қон лабинг.

Минг бебаҳо ёқут лаъл пнъомидин ортуқ дурур,  
Бир сўрголи бу зоринга қилсанг агар аҳсон лабинг.

Гар бўсайи лаълингга жон нақдин қилур эрсанг баҳо,  
Олғум, нединким, бир ўпуб ўлганга не армон лабинг.

Доим кўнгулда сақлабон пинҳон лабингнинг шавқини,  
Эмди етибман ўлгали, ўптир манга пинҳон лабинг.

Ўтлуғ замиримга менинг доғ узра қўйғон доғлар,  
Жон нуқтасидек холлар зоҳир қилиб ҳарён лабинг.

Феруз жаннат равзасин гар пстамас, эрмас ажаб  
Ким, оразинг жаннат гули, кавсар суйи, эй жон, лабинг.

\* \* \*

Солди олам ичра гавго, эй малаксиймо, кўзунг,  
Дину ниймонимни торож айлади тарсо кўзунг.

Ман нечук жон асрагайман кўзу қошинг олдида,  
Е қошинг олғусидур жонимни бир кун ё кўзунг.

Жон фидо қилсам агар, лутф айлаб, этмас бир нигоҳ,  
Ваҳ, нечук бераҳм эрур, эй орази хумро, кўзунг.

Жон берурда лабларинг қилса табассум ногаҳон,  
Қатлима мужгонинг ўқ айлар, қошингни ё кўзунг.

Жаврини ортуқроқ айлар дам-бадам ушшоқға,  
Турфа золим халқ қилмиш холиқи ашё кўзунг.

Бўйпинга солиб қўлумни, қошинга қурбон ўлуб,  
Гул юзунг, майгун лабинг ўпсам, гоҳи шаҳло кўзунг.

Ҳар неча изҳори ажз этсам агар Феруздек,  
Ортуқ айлар зулмини, кам айламас асло кўзунг.



\* \* \*

Ҳолима раҳм айламас шўҳи паризодим менинг,  
Кўнглига таъсир қилмас оҳу фарёдим менинг.

Оразу қаддиға банда бўлғусидур сарвигул,  
Сайр учун боғ ичра кирса сарви озодим менинг.

Ишқинг ичра заъфлинг ҳолим кўруб лутф айлабон,  
Демадинг: «Ҳолинг нечук, эй зори ношодим менинг?».

Сарв ила шамшод васфин кўб дема, эй боғбон,  
Сунбулим мушкин сочидур, қадди—шамшодим менинг.

Ишқ аро Фарҳоду Мажнун, тонг йўқ, ўлса тобеим,  
Дайр пиридиш чиқибдур хатти иршодим менинг.

Жавр ила зулми тамом ўлмас ўтуб кўб ою йил,  
Ҳеч бир ою кун аро тўлмасму миёодим менинг.

Чун манга бедод расмин тутмиш ул султони ҳусн  
Ким, эшитгай эмди ҳижрон илкидин додим менинг.

Мен нечук ишқи жунунинг завқу шавқин тарк этай  
Ким, бу унсурдин мураккаб бўлди ижодим менинг.

Донаи дом айлама субҳангни, эй зоҳид манга,  
Холу зулфидин эрур тасбиҳи авродим менинг.

Чора йўқтур қазога рози бўлмай ҳар неким,  
Ёзди жабҳам лавҳи узра килки Беҳзодим менинг.

Номил эрсам назм аро Феруздек, эрмас ажаб,  
Огаҳийдур шеър машқ айларда устодим менинг.

\* \* \*

Келди очиб гул юзин базмимга жононим менинг,  
Кўзу қошига фидо бўлсун дилу жоним менинг.

Гул юзун юз пора айлар лола, фарқи хун ўлур,  
Келса гар гул сайрига сарви хиромоним менинг.

Кўзи жаллоди агар жонимни олса ғам эмас,  
Тозадин жон бергуси ул лаъли хандоним менинг.

Равшан этди фурқатида тийра бўлгон кўзларим,  
Меҳри рухсорин очиб хуршиди тобоним менинг.

Очса сўз айтурга лаб мажлисда маҳвашлар агар,  
Борчасин мулзам қилур шўхи сухандоним менинг.

Анбарафшон зулфин этмиш орази узра ниқоб,  
Қон тўкар кўрмак тилаб бу чашми гирёним менинг.

Келди базмим ичра, эй Феруз, ул дилбар букув,  
Кўнглига таъсир қилмиш оҳу афгоним менинг.

\* \* \*

Арақнок оразингга зулфи мушкининиң лиқоб этдинг,  
Еқиб ҳажр ўтига жону дилу бағрим кабооб этдинг.

Қилиб пинҳон юзунгни ман ҳазини нотавонингдин,  
Фироқ ичра қўюб, жоно, ики кўзум пуроб этдинг.

Мурувват қилмадинг ҳолим кўруб, эй сангдили золим,  
Чекиб жавру жафо тигин, кўнгул мўлкин хароб этдинг.

Не журм этдим, солиб қошингга чин қаҳру газаб бирла,  
Мани бехонумонингга итоб узра итоб этдинг.

Очиб лаълинг такаллумға келиб бошим уза букун,  
Сўруб ҳолим, биҳамдиллаҳ, нигоро комёб этдинг.

Ва лекин келдинг, эй дилбар, қилурға кўзларим равшан,  
Недин ўлтурмайин кетмакка умросо шитоб этдинг.

Қўюб Ферузни ҳижрон қаро шоми аро ёлғуз,  
Бориб агёр ила суҳбат тузуб, базми шароб этдинг.

\* \* \*

Кетур соқиё бодаи лаълранг,  
Онинг нашъасидин бўлуб бедаранг.

Солай шўри ғавго жаҳон аҳлиға,  
На Руму на Русу на қолсун Фаранг.

Балову ғами ишқ кўҳсорида  
Эрурман жаён шери горрон паланг.

Кп то ихтиёр айладим ишқини,  
Егар кўҳи ғамдин бошим узра санг.

Бало даштидаю ишқ саҳросида,  
Кўзум хира бўлмиш, оёқ доғи ланг.

Жунуним зиёд ўлса ҳар дам нетонг,  
Нигорим багоят эрур шўҳи шанг.

Агар жамъ бўлса жаҳон маҳваши,  
Бўла олмағай ул пари бирла танг.

Вафо кўрмайин ҳеч бир дўстдин,  
Бўлубман жаҳон аҳлидин асру танг.

Тама қилма даҳр ичра ҳар дундин,  
Тамадин борур элга номусу нанг.

Тавозени айла ўзингга шпор,  
Ҳаво бирла нафсингга берма маланг.

Бу базм ичра Ферузга дам-бадам,  
Кетур соқиё бодаи лаълранг.

\* \* \*

Ўити то жонбахш лаълинг, эй парирухсора, гул,  
Эмди тонг йўқ бўлса дармони дард ҳар чора гул.

Гул юзунгга бахш этиб, айлабмудур густоҳлиқ  
Ким, бўлур эл кожидин ҳар субҳ пора-пора гул.

Гунчадек майгун лабинг шавқидин ўлди бағри қон,  
Чун гули ҳуснунгга қилди боғ аро паззора гул.

Гулшани ҳусн ичра то ораз намоен айладинг,  
Ошиқинг бўлди яқоси чок этиб бечора гул.

Гул нечук оламини атридди муаттар қилмасун,  
Чунки сочибсан юз узра зулфи анбарбора гул.

Сайри боғ этсанг қудумингга нисор этмак учун  
Айламини омода шабнамдин дури шаҳвора гул.

Гул ўнар лаълингнию, ман қон ютарман рашқдин  
Ераб, ўлеун доимо ноком бахти қора гул.

Гунчалингда тортибон булбул азоби хорини,  
Чунки очилди насиб ўлғай бир ўзга ёра гул.

Таҳ ўнар илкани, гоҳи бўс этар ширин лабин,  
Сўргил, эй Феруз, лаълидин, экан не қора гул?

\* \* \*

Базмимға келди бу кеча бир сарвқомат, эй кўнгул  
Бошдин оёқидур онинг кони малоҳат, эй кўнгул.

Боқиб кўз учидин қиё пинҳон агар қилса нигоҳ,  
Бордир анинг ҳар боқини юз жонга офат, эй кўнгул.

Бўл шоду хуррам, кўргузуб тутти санга ул муғбача  
Ўз илки бирла жоми май лутфу мурувват, эй кўнгул.

Аввал дедим тарк айлагил ишқини, бовар қилмадинг  
Қилма жафосидин онинг эмди шикоят, эй кўнгул.

Сарв ила гул гулшан аро гар кўрса қадду оразни  
Тушгай аларнинг бошига шўри қиёмат, эй кўнгул.

То ул париваш дилрабо ишқиға бўлдим мубтало,  
Зухд аҳли кўб қилди манга таъну маломат, эй кўнгул.

Чун тийра кулбам айлади равшан маҳи рухсоридин,  
Ҳижрон қоронғу шомидин топдинг фароғат, эй кўнгул.

Феруз ўлуб бахтинг ул ой васлиға етсанг ,нежаб,  
Чекмиш эдинг ҳижрониди кўп ранжу меҳнат, эй кўнгул.

\* \* \*

Гул юзунг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил,  
Меҳри оразинг узра кокулнинг паришон қил.

Илқинга олиб соғар, нўш этиб майи гулранг,  
Жонфизо табассумдин лабларингни хандон қил.

Азми гулистон ила зулфунга бериб зийнат,  
Рашк ўтига сунбулнинг пайқарини сўзон қил.

Кўзунга чекиб сурма, юзунга уруб ғоза,  
Лола бирла наргисни ул иқовга ҳайрон қил.

Рашк тигидин қилсун гул юзини юз пора,  
Гулшан ичра рухсоринг ҳар тараф намоён қил.

Ҳасрат ўтига куйсун қоматинг кўруб шамшод,  
Қадди позпарвардек ноз ила хиромон қил.

Дуф этиб агар ёринг келса базмишга, Феруз,  
Бу азиз жонингни мақдамига қурбон қил.

\* \* \*

Очилмиш гул, етурмиш бога зийнат, эй санам келгил,  
Ичарга бир нафас аҳбоб бирла жоми Жам келгил.

Даме позингни тарк этгил, кўруб ушшоқ аҳволин,  
Тузуб меҳру вафо расмин, қилиб лутфу карам, келгил.

Муҳайё айлабон гулшанда айшу ишрат асбобин,  
Кўнгул кўзгусидин зоил қилурга занги ғам, келгил.

Тўнаб баргини гул ер узра, тортар итизорингни,  
Гулистон ичра гул барги уза қўюб қадам, келгил.

Ҳаводур мўътадил ҳам фасли гулдур, кеча ҳам моҳтоб,  
Тузуб мажлис, ичарга лолагун май дам-бадам келгил.

Чаманлар сабзи хуррам, ҳавзлар лабресу гул хандон,  
Билиб бу файзлиғ мавсумини асру мугтанам келгил.

Олиб бурқаб жамолнингдин қилурга кўзларим равшан,  
Жафою жавру, зулмингни қилиб бир лаҳза кам келгил.

Ғаҳи айлаб баҳона гул терарга, бу ҳазинингни  
Қилурга ҳайли ушшоқ ичра, жоно, муҳтарам, келгил.

Санга Феруз эрур бир қул, вале ҳажрингдадур вошод,  
Бу қулви шод этарга, эй нигори муҳташам келгил.



\* \* \*

Қатлингга қасд айламиш ул чашми хунхор, эй кўнгул,  
Бергали жон ишқ аро бўл амди тайёр, эй кўнгул.

Кўнглинга қилмас асар оху фиғонинг ,негаким,  
Маркаби қаҳр узра рокиб бўлди дилдор, эй кўнгул.

Ўзни гар юз пора қилсанг рашк тигидин, не суд,  
Давлати васлиға йўл топмишдур ағёр, эй кўнгул.

Дину имовингни ғорат айламакка кўргузур  
Ишваю нозу адо ул шўхи айёр, эй кўнгул.

Асрағил ишқини жонинг пчра то жон борича,  
Қилмағил ҳеч кимсага меҳрини изҳор, эй кўнгул.

Гар десанг фориг бўлай рашку фироқ ошубидин,  
Маст ўлуб доим замоне бўлма ҳушёр, эй кўнгул.

Васлиға етмак муяссар бўлса жон нақдин бериб,  
Ул матоъиға ўзинг қилғил харидор, эй кўнгул.

Ҳажрида гар чиқса жонинг бир табассумдин сенинг,  
Бергуси жон жисминга лаъли шакарбор, эй кўнгул.

Ул парининг кўзу қошу хатту ҳолиға, магар,  
Сан доғи Феруздек бўлдунг гирифттор, эй кўнгул.

\* \* \*

Ёраб ўлгайму муяссар манга жонон ила базм,  
Сочи сунбул, юзи гул, лаблари хандон ила базм.

Бир кеча ҳужрани агёрдин айлаб ҳоли,  
Этмак бўлгайму раво ёри қадрдон ила базм.

Айласам меҳри узори била кўзни равшан,  
Зарра андоқки қилур меҳри дурахшон ила базм.

Шарҳ этиб ҳажрида кечган қатиг аҳволими,  
Тонггача айласам ул шўҳи сухандон ила базм.

Солибон бўйнига илкимни, сўруб лаълидин,  
Айласам нўш лаби дардима дармон ила базм.

Ғаму андуҳ уйидин ҳазрати Яъқуб кибп,  
Чиқибон шод ўлуб этсам маҳи Қанъон ила базм.

Бахти ёварлиғ ила Феруз айлаб иқбол,  
Ёраб, ўлгайму муяссар манга жонон ила базм.

\* \* \*

Оҳким, бир дилрабо ишқиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб, доми зулфиға гирифтор ўлмушам.

Лаълидин ўнмак тилаб, топмай муроду мақсадим,  
Новаки мужғони бирла сийнаафгор ўлмушам.

Ҳар печа васлини тилаб, жон жавҳарин қилсам фидо  
Топмай онинг илтифотин дийдахунбер ўлмушам.

Бир тараҳҳум айламас ҳолим кўруб сангдил,  
Оллоҳ-оллоҳ, мубталойи бўйла дилдор ўлмушам.

Равшан этмак истабон хоки қудумидин кўзим,  
Ёстонибон йўли узра туфроқосор ўлмушам.

Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боқсини кўб ҳоли душвор ўлмушам.

Зарра янглиғ изтироб этсам, не тонг, Феруздек,  
Гар қуёшрӯхсора дилбар ишқида зор ўлмушам.

\* \* \*

Ул санамга ўзга раҳбон бор экандур, билмадим,  
Кўнгли онинг мойили агёр экандур, билмадим.

Ман тиларман равшан этмак кўз жамолидин анинг,  
Мақсадд қилмоқ кўзум хунбор экандур, билмадим.

Айлаган гонат кўнгулдин ақлу ҳушу донишим,  
Бир шакарлабе шўҳи айёр экандур, билмадим.

Васлига етмак тилаб чекдим баче ранжу тааб,  
Лек ул дилбарга мандин ор экандур, билмадим.

Ҳар кеча агёр базмин равшан этган бориб ул,  
Қоқили мушкин, кўзи хунхор экандур, билмадим.

Айламас наззора ҳаргиз неча жон қилсам фидо,  
Эй кўнгул, сандин магар безор экандур, билмадим.

Ҳар кеча хуршид ўзин айлар ҳижолатдин ниҳон,  
Анга баче ул қуёшроҳсор экандур, билмадим.



Тангри афзун айласун хуснингни, эй зебо сапам,  
Тинмасун даврони дундин кўнглинга бир зарра гам.

Не эса кўнглинг муроди, ҳақ муяссар айласун,  
Нахли қаддингни хазондин асрасун айлаб карам.

Кўргузуб лутфу иноятлар санга ҳаййи қадим,  
Хусн иқлимида қилсун подшоҳи мухташам.

Рози бўлғайлар санга бўлмоқға даврон аҳли қул,  
Чунки бермиш ҳақ санга бу хусн ила хулқи пирам.

Йўлунг узра ўпмак истаб рахсинг эрди тупроғинг,  
Бу жаҳон маҳвашлари қилмишдурур қаддини хам,

Бошинга руҳи равонимни нисор этгумдурур,  
Кўргузуб лутфу карам ман сори қўйсанг бир қадам.

Ройи ул кофирни эрмиш дин элин қатл айламак,  
Кофир ўлса, иш анга албатта бўлгуси ситам.

Наргиси жаллодинга жоним фидо қилсам неча,  
Ҳолима раҳм айламас, айлар ситамлар дам-бадам.

Жавр қилма хуснингга мағрур ўлиб бу даҳр аро,  
Дўстларнинг суҳбатини, эй санам, бил муғтанам.

Эй муганний, тузубон созинг наво оҳангида  
Уқуғил созинг аро ушбу ғазални зеру бам.

Неажаб Феруз ўз ёри билан бу базм аро,  
Ултурубки тахтада ичса лаболаб жоми Жам.

\* \* \*

Ики маҳваш бу кеча базим аро тутди мақом,  
Бириси меҳри дурахшон, биридур моҳи тамом.

Бири ўлтурса ғазабдин, бири тоза жон берур,  
Бири бўлса талх ҳадис, биридур ширин калом.

Масти лояқил қилурга мажлис аҳлини тамом,  
Бири олиб пишаан илкига, яна бири жом.

Бирини лаъли лабида зоҳир ўлмиш сабзи хат,  
Ҳусн Мисрида бири Юсуфгадур қойиммақом.

Бириси лаъли лабидин дур сояиб ўқур ғазал,  
Бириси танбур олиб илкига чертар зеру бам.

Бириси олиб суроҳий ўлтуруб минг ноз ила,  
Бири коса бермак учун базм аро айлаб хиром.

Бириси базм аҳли кўзин равшан айлар юз очиб,  
Зулфи юзига бўлуб бирининг ниқоби мушкфом.

Жону кўнгул булбулин сайд айлади ул ики шўх,  
Бири холиқ дона айлаб, бириси зулфини дом.

Ичгил ишрат жомини, Феруз, ул ики ёр ила,  
Ул ики маҳвашни ўлғай ҳусни доим мустадом.

\* \* \*

Лаъли ширинингни таъриф айлаб ўлмиш паҳдком,  
Анварию Фазлию Ҳоқонийи Маснад мудом.

Чашми фаттопингга наргисни нечук таъбиҳ этар,  
Сойибу Бедил, Ҳилолий, Ҳофизи ширинкалом.

Ваҳ, не янглиғ шарҳ қилгай оразинг тавсифини,  
Унсорию Асжадию Фарруху Саъдий, Ҳумом.

Кўрса ҳуснинг Лайлию Ширинни васф этмас эди,  
Хиравию ҳам Навоий, Жомию Шайх Низом.

Ўхшатиб бўлмас янги ойға муқаввас қошларинг,  
Сайидою Нозиму Лутфию Киромий, Хисом.

Сарвосо қоматинг васфин қилурда лол ўлур,  
Андалибу Равнақу Зийрак масиҳи хушқалом.

Огаҳию Комилу Феруз, Холис, Чокаринг,  
Рожию Мирзою Акмал, Мунису Хокий, Гулом.

\* \* \*

Сайри боғ этсанг агар, эй сарв қадду гулбадан,  
Сарв аёқингга қўяр бош, чок этар гулпираҳан.

Айламансан раҳм олтундек рухи зардим кўруб,  
Дилраболиқ расми бу навъ ўлғаму, эй сийман?

Кўрса рафторингни гар боғ ичра кабки хушхиром,  
Банда бўлғай жилвайи қаддингга ул, андоқки ман.

Шона олиб, юз уза зулфинг паришон айлагач,  
Ер юзин қилди муаттар бўйи райҳону суман.

Бўлмағай озурда ниши кирпикимдин деб танинг,  
Қўрқарам, гар кўз уйин мардум киби қилсанг ватан.

Оразинг боғида икки наргисинг кўрган киши  
Дерки, Чин гулзори ичра кирмиш оҳуйи Хўтан.

Базми васлинг ичра маҳрам айлагил Ферузни,  
Чунки ҳижронингда ул бечора чекмиш кўч миҳан.



\* \* \*

Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун,  
Чексам, нетонг, ўтлуғ наво, ул навъким, булбул букун.

Бўлди машомим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз узра ёзмишдур магар ул дилрабо кокул букун.

Кўнглумға таъсир этмаса булбул фиғони, не ажаб  
Ким, гулзорим илқида мийно қилур қулқул букун.

Сармасти сахбо бўлғоли чиний қадаҳни тўлдуруб,  
Аввал ўзи нўш айлабоп тутди манга ҳам мул букун.

Ул оташин юзви кўруб, гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтига ўртаниб, бўлмиш вужуди кул букун.

Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг,  
Бу беадаблик бўйнинга тасбеҳинг этмиш гул букун.

Гарчи эрурман толеи Феруз ~~илд~~ оламга шох,  
Лек ул парилар сарвари ~~олди~~ дадурман кул букун.

\* \* \*

Тарахҳум айлагил, эй шўхким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тору зулфи мушқборингман.

Кўнгулда қолмайин бир зарра чоқлиғ тоб ила тоқат,  
Юзунг хуршиди ҳижронида тун-кун беқарорингман.

Кел, эй лайливашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида кезган ошиқи мажнуншиорингман.

Кўзумни айла равшан меҳр янглиғ оразингдинким,  
Бўлубтур тийра, асру торта-торта интизорингман.

Мурувватдур муқарраб даргаҳингдин айламак маҳрум  
Маниким, маҳрами рози ниҳону ошқорингман.

Жафо тошин уруб кўб, қилмоғил мажруҳ бошимким,  
Вафо богида бутган бир ниҳоли мевадорингман.

Нигоро, ижтиноб этмак недур ман зори ҳайрондин  
Ки, сансан бир гули хандон, мане бечора хорингман.

Манга айлаб лаболаб дамбадам соғар тут, эй соқий,  
Қўлуиңдин бода ичмай, муддатедурким, хуморингман.

Агарчи бахти Феруз ила даврон шоҳиман, лекин  
Сенинг, эй ҳусн амири, бандайи беътиборингман.

\* \* \*

Қилурман ютуб шавқи лаълингда қон  
Фигону фиғону фиғону фиғон.

Юзунг то мани зордин айладинг  
Ниҳону ниҳону ниҳону ниҳон.

Кўзумга қоронғудир ондин бери  
Жаҳону жаҳону жаҳону жаҳон.

Тиларман кўзунг фитнасидин мудом  
Омону омону омону омон.

Эрур қошларинг ишқ эли қатлига  
Камону камону камону камон.

Гули хуснунга етмасун даҳрдин  
Хазону хазону хазону хазон.

Кел, эй шўх, Феруз кўксини қил  
Мақону мақону мақону мақон.

\* \* \*

Бир дам айлаб ҳолима лутф ошкор, эй гулбадан,  
Кулбама гул-гул очиб келгил узор, эй гулбадан.

Мушк иси бу тун димоғимни муаттар айлади,  
Юз уза ёйдингму зулфи мушкбор, эй гулбадан.

Лабларинг кавсар, қадинг тўби, юзунг жаннат гули,  
Ҳар сўзунг бир гавҳаредур обдор, эй гулбадан.

Гулшан ичра гул киби кўргач узоринг, айлади  
Барги нақдин гул оёқингга нисор, эй гулбадан.

Юз очиб чун сайри бор айларга келдинг, айладинг  
Гул юзунгга булбули кўнглумни зор, эй гулбадан.

Ошиқи беихтиёрингман, вафо айлаб манга,  
Айлагил маъшуқликни ихтиёр, эй гулбадан.

Орази хуршид тимсолинг тамошо айлагач,  
Зарра янглиғ кўнглум ўлди беқарор, эй гулбадан.

Зулфу қадинг иштиёқида фалакка чирманшур  
Ҳар тун оҳимдин сууд этган шарор, эй гулбадан.

Киргил оғушимга жон ичра алиф янглиғ бўлуб,  
Дилраболик шевасин айлаб шиор, эй гулбадан.

Не эса кўнглунгда коминг тангри мавжуд айласун,  
Доим ўл Феруз бахтинг бирла ёр, эй гулбадан.

\* \* \*

Оразинг даврида ҳар ён зулфи анбарму экан?!  
Йўқса, ганж устида ётгон икки аждарму экан?!

Юзларинг май тобидин қилгон арақларму аён,  
Моҳи анвар даврида бир неча ахтарму экан?!

Тишларинг дурму бўлур зоҳир табассум айлагач,  
Ҳуққайи ёқут аро бир неча гавҳарму экан?!

Кўзларингдурму ики қош остида қилгон макон,  
Дайр тоқи ичра ёхуд икки кофарму экан?!

Лаъли жонбахшида борму холи мушқин, йўқ эси  
Чашмайи ҳайвонда ёзилгон нуқатларму экан?!

Оразидин тийра кулбам равшан этган бу кеча  
Моҳи анварму ва ё ул ҳури пайкарму экан?!

Элни ҳайрон айлаган, Феруз, ҳуснига сенинг  
Дилбарингму ё бизинг сарву суманбарму экан?!

\* \* \*

Манга, эй дилрабо, мунча итоб этмак недур, билмон,  
Ҳазин жонимга жавринг беҳисоб этмак недур, билмон.

Чекиб йиллар фироқинг ранжини, тонсам агар васлинг,  
Кетарга умрдек бир дам шитоб этмак недур, билмон.

Эрур қўнглум фироқинг ичра ашқим селидин вайрон,  
Яна ортуқроқ они хароб этмак недур, билмон.

Ёқиб ишқинг ўтига сарбасар жони низорим ҳам  
Куюк бағрим кабоб узра кабоб этмак недур, билмон.

Бу гулшапта очилмоқ хорсиз гул мумкин ўлғойму,  
Нигоро, мендин асру ижтиноб этмак недур, билмон.

Хумори бодаи васлинг бўлуб Феруз, ағеринг  
Шароби лутф бирла комёб этмак недур, билмон.

\* \* \*

Келдингму ибодатга, эй маҳлиқо, букун,  
Етушти қудумингдин дардимга даво букун.

Ўпсам лаби жонбахшинг, жонимга етар роҳат,  
Бўлмоқинг анга монеъ бўлгайму раво букун.

Журмим недур, эй маҳваш, билмасман, аён этгил,  
Қаҳринг бўладур афзун ҳар лаҳза манго букун.

Ақлу хирадим олиб, расвойи жаҳон этдинг,  
Бир жилва қилиб зоҳир, эй кўзи қаро, букун.

Ўлмакка ёвуқ етдим тортиб гами ҳижронинг,  
Ҳолимга карам айлаб, ман сори қаро букун.

Эй соқийи гулчеҳра, жомингни қилиб мул-мул,  
Қилгил мани зорингга пайдар-пай ато букун.

Қошу кўзунгга қурбон бўлса, нежаб, Феруз,  
Сан киби паривашни еткурди худо букун.

\* \* \*

Айб эмастур лутф уммид айласам жонондин,  
Риштайи уммид узмас бандаси султондин.

Васлин айлаб орзу тун-кун ажаб ҳайратдаман,  
Қон тўқуб ёш ўрнига бу чашми хунафшондин.

Гар кўриб мажнунлигимни ишқида лайливашим,  
Айламас зоҳир табассум ул лаби хандондин.

Ваҳ, нечук золимдурур жону кўнгулга етгуси,  
Дамбадам зулму ситам ул наргиси фаттондин.

Олма кўзгу илкинга ҳуснинг тамошо қилғоли,  
Қил тамошо оразинг бу дийдаи гирёндин.

Ҳар киши бош ўйнай олмас ишқнинг майдонда,  
Ўйнағой, бошин ул одам кечса аввал жондин.

Ишқни кўнгулда пинҳон асрамоқ мушкулдур,  
Зоҳир ўлгай ошиқ атган нолаю афгондин.

Бевафодур бу жаҳон раъноси, биллаҳ, эй кўнгул,  
Кўрган эрмастур бурунгилар вафо даврондин.

Елбориб бошим оёқиға қўюб Феруздек,  
Айб эмастур лутф уммид айласам жонондин.





Жавр қилмоқдин ҳазар қил жонима, эй нозанин,  
Ҳақ каломида демишдур «ла-йуҳиббу-з-золимин».

Ҳар неча жавр айласанг ишқингни тарк этмас кўнгул,  
Бу сўзумни бовар этмассан агар ичкум ямин.

Етса жонондин жафо, сабр айла, эй маҳзун кўнгул,  
Сабр қилгон ҳаққида новил «йуҳиббу-с-собирин».

Эй ситамгар, айлагил мазлум оҳидин ҳазар,  
Не учунким келгусидур ларзаға арши барин.

Сақласун солим ҳаводис тундбодидин мудом,  
Нахл қаддингни санинг ҳаллоки рабб-ул-оламин.

Тишларинг дурму лабинг қилеа табассум кўрунур,  
Ё магар ёқут ҳуққа ичрадур дурри самин.

Кўрмади даврон кўзи йиллар ўтуб бу даҳр аро  
Сен киби ширин лаб узра ғаддору маҳжабин.

Лаъли майгунинг хаёли бирладур қонеъ мудом,  
Обиҳайвон орзусин айламас жони ҳазин.

Қилгуси Феруз сўзидин бошинг узра нисор,  
Юз очиб келсанг агар мажлис аро эй нозанин.

\* \* \*

Шўхлиқидин дер манга ул дилбари сиймишбадан:  
«Хоҳ ўпгил, хоҳ қуч энгу миён, энгу даҳан».

Сайри гулшан айласанг кўргач тилар қилмоқ ўзини,  
Сарв бўлмоқ қаддингга қул, зулфингга банда суман.

Меҳри рухсорингни гар кўрса ҳижолатли қилур,  
Ўзини гул-гул шафақ ичра ниҳон шоҳи Хўтан.

Кўрмамиш ҳеч кимса сандек ҳусн гулзори аро,  
Гулузору гулжабинуну гулбадану гулпираҳан.

Фурқатинг Ферузга бўлди узоқ, эй нозанин,  
Не бўлур энди келиб кўкси уза қилсанг ватан.

\* \* \*

Эрур жавринг менинг дардимга дармон,  
На дармон, балкидур, жисмим аро жон.

Билур ҳоли паришонимни улқим,  
Эрур гар дилбари кокил паришон.

Фироқида ишмидур кеча-кундуз  
Ҳазин булбул киби фарёду афгон.

Бўлур жону кўнгул қурбони онинг,  
Қади сарвин бу ён қилса хиромон.

Қилиб ниҳон юзин ман нотавондиз,  
Кўзумни қилди ҳижронда гирён.

Кўруб раҳм айламас ҳоли харобим,  
Ғами ишқи аро ул номусулмон.

Очиб хуршиддек рухсорни ул ой  
Кўзига айлади кўзумни ҳайрон.

Қилиб лутфу карам ул шўхи тарсо,  
Келиб базмимни қилди рашки сўзон.

Бўлуб Феруз бахтинг, эй суманбар,  
Ҳамиша бўлғосан масруру хандон.

\* \* \*

Ёр саркашу чарх золим айлади бағримни хун,  
Бири бўлсун ром, ёраб, бири бўлсун сарнигун.

Солибон ағёр сўзига қулоқ ул дилрабо,  
Қилғусидур жавру зулмин жонима ҳар дам фузун.

Соқиб, айлаб карам бир жом тут мен зорға,  
Май хумори шиддатидин ҳолим ўлмишдур зобун.

Солди бир ой ҳажрида жони ҳазиним ичра ўт,  
Ёраб, ўлғай ерга яқсон гулбази гардуни дун.

Бўлғоли то ул парилар сарвариға мубтало,  
Жаври зулминг бўлғуси мен зорға ҳаддин фузун.

Зори саргардон қулингман водийи исён аро,  
Айлагил лутфингни, ёраб, ман ҳазинға раҳнамун.

Бахт ўлуб Феруз, давлат ёр ўлуб, суҳбат тўзуб,  
Бу кеча ичдим ул ой бирла шароби лолагун.

\* \* \*

Етар ҳар дам ситамлар жонима ул чархи гардондин,  
Кўнгулни асрай олмасман туну кун оху афғондин.

Ёғиб жавру жафо тоши бопимға қўҳи андуҳдин,  
Бағир қонини тинмай оқизур бу чашми гирёндин.

Ниҳоне асрамоқдин ул пари ишқини кўнглумда,  
Етибдурман ўларға эмди ушбу дарди ниҳондин.

Тараҳҳум қилмас эрса ҳолима ул кофари золим,  
На янглиғ баҳра топғайман жаҳонда бу ҳазин жондин.

Эрурман ҳажрида доим ғаму меҳнат била ҳамдам,  
Мурувват зоҳир ўлмас ҳолима ул номусулмондин.

Пари десам агар ул дилрабони тонг эмас нечун,  
Онингдек зоҳир ўлмоқ мумкин эрмас хайли инсондин.

Топар эрди ҳаёти тоза, жоно, бўса берсанг,  
Агар лутф айлабон Ферузға лаъли дурафшондин.

\* \* \*

Пайваста қоши шаклидур ул чашми жоду устина,  
Бир чаргким, ёзмиш қанот қасд айлаб оҳу устина.

Назвора қилгил орази узра хатиға ҳар замон,  
Ғар мавжи жавҳар кўрмасанг бир соф кўзгу устина.

Меҳримиз ўлмушмудур гулгун шафақ ичра ниҳон,  
Киймиш ва ё гулранг тўн ул шўҳи гулрў устина.

Кўнглум бетонг сиймобдек ҳар лаҳза қилса изтирўб  
Ким, ул юз ўтидин эриб сув бўлгуси сув устина.

Лайливашимнинг ишқида мажмунлиғим кўрган киши  
Ҳолимга кулгулар қилур изҳор кулгу устина.

Хатдурму рухсори уза ёҳуд мусаххар қилголи  
Чин мулкининг келмушмудур афвожи ҳинду устина.

Зулфи хатишнинг ҳажрида бошимга айларлар ҳужум,  
Ғоятсиз андуҳу алам юз навъ қайғу услина.

Ёғду кун ўлди кўзларим оллида шоми тордек,  
Айларга пинҳон юзларин чун ёзди гесу устина.

Ваҳ, найлайин Феруз, ул қотил ғазаб ёйин чекиб,  
Мужгон ўқип тез оттали чин солмиш абрў устина.

\* \* \*

Манга раҳм айлаб ул ширинзабон оҳишта-оҳишта,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳишта-оҳишта.

Фироқида қороргон кўзларимни қилғолп равшан  
Очиб рухсорайи хуршидсон оҳишта-оҳишта.

Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етурди васлидин сиҳҳат равон оҳишта-оҳишта.

Масиҳо мўъжизин жонбахш лаълидин қилиб зоҳир,  
Ўлук жисмига берди тоза жон оҳишта-оҳишта.

Сўруб дилдорлиқ расми била ҳоли паршоним,  
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳишта-оҳишта.

Деди: «Эй ошиқи зорим, малолн дарди ҳижрондин  
Бўлубсан асру зору нотавон оҳишта-оҳишта.

Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингга бори элдин ниҳон оҳишта-оҳишта...

Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл эмди васлим ичра шодмон оҳишта-оҳишта.»

Ман ул дам ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,  
Фироқи ранжидин топтим омон оҳишта-оҳишта.

Кнши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳишта-оҳишта.

\* \* \*

Юз жилва, агарча, қади раъносидадуру,  
Минг онча сафо орази зебосидадуру.

Жон берсам ул ой васлига еткач, не ажабким  
Қотиллиғ ики наргиси шаҳлосидадуру.

Фаттон кўз ила ишқ эли жонин оладур, лек,  
Жонбахшлиқ ики лаби гўёсидадуру.

Ушшоқ замири қушининг келди тузори  
Ким, мунча гириҳ зулфи сумансосидадуру.

Кўргач юзини бўлсам агар маҳв, нетонгим,  
Сунъи ҳақ анинг ҳусни дилоросидадуру.

Таърифи эмас они демак Юсуфи Канъон,  
Юз Юсуф анинг васли таманпосидадуру.

Феруз, фироқингда қолибдур, баче, ғамгин,  
Шод эт ани, кўб ғам дили шайдосидадуру.



• • •

Аё, бераҳми хўбони замона,  
Мани ҳижронда қўйма жовидона.

Санга арз айларам рози дилимни,  
Эшит арзимни кўргузмай баҳона.

Висолингда бўлуб агёр хушҳол,  
Мани ҳажринг ғамп еткурди жона.

Ҳаданги ғамзанга жисми низорим,  
Тараҳҳум қилмай айларсан нишона.

Не бўлгайким, сўруб Феруз ҳолин,  
Агар бўлсанг анга ёри ягона.

\* \* \*

Ёраб, ул ой васлини айлаб муяссар бу кеча,  
Орази меҳридин эт базмим мунаввар бу кеча.

Баҳ, нечук асрагайман дўстларким, қилгуси  
Қатлима ҳар дам ишорат чашми кофар бу кеча.

Не ажаб, қилсам тафохур аҳли ушшоқ ичра ман,  
Келди, қилди хоки пойин бошга афсар бу кеча.

Соқийё, амди карам айлаб мани сармаст қил,  
Базмима келмишдурур бир позпарвар бу кеча.

Жонга етдим жавру озоринг чекиб субҳу масо,  
Раҳм қил ҳолимга, эй шўҳи жафокор бу кеча.

Ой киби фаррух узориға берибдур ўзга зеб,  
Сочилиб ҳар сориға зулфи муанбар бу кеча.

Не жаҳоноро жамол эрдик, бир кўрмак билла  
Айлади Ферузни ишқида музтар бу кеча.

\* \* \*

Келди лутф айлаб менкиг кулбамга жолон бу кеча,  
Гўйиё кирди ўлук жисмим аро жон бу кеча.

Сурма тортиб наргиси хумморига зийнат учун,  
Айлади ширин лабидин бўса эҳсон бу кеча.

Тийра эрди рўзгорим сочининг савдосидин,  
Равшап этди юз очиб ул моҳитобон бу кеча.

Меҳри рухсоридин айру мажлисим эрди хазон,  
Гул юзидин айлади они гулистон бу кеча.

Ҳажри муҳлик дашти ичра йиллар эрдим ташналаб,  
Берди лаъли чапмасидин обиҳайвон бу кеча.

Билмадим ҳеч одамизод эрдиму ёхуд пари,  
Айлади бир жилвада ақлимни ҳайрон бу кеча.

Интизорин тортар эрдим ҳажрида Феруздек.  
Келди очиб ораз ул хуршиди рахшон бу кеча.

\* \* \*

Соқий, мани сармаст қил лаълинг майи ноби била,  
Жону кўнгулни банд қил зулфингни қуллоби била.

На хуш саодат бўлгуси бўстон аро мажлис тузуб,  
Ичса шароби нобни базм ичра аҳбоби била.

Ичмишдурур ифрот ила майни магар ул сиймтан,  
Гулгул бўлубдур орази гулранг май тоби била.

Юз ишваю минг ноз ила очиб юзин келса агар,  
Равшан қилур тийра туним рухсори моҳтоби била.

Дарду фироқи заҳридин ҳар неча бўлсам талхком,  
Комимни ширин қилгуси ул лаъли сероби била.

Комим раво қилмоқ учун ширин забонлиқ кўргузуб,  
Ўлтурди ёнимга келиб икрому одоби била.

Феруз, агар ёринг сори ирсол қилсанг номани,  
Ёзгил сийҳ ўрнига хат чапминг хуноби била.

\* \* \*

Раҳм этиб ҳажрида ҳолимға нигорим бу кеча,  
Мажлисиға айлади таклиф ёрим бу кеча.

Восил ўлсам базмиға сен ҳам паёпай май тутуб,  
Соқидё, берғил неча йиллиғ хуморим бу кеча.

Айлагил сармаст бепарвояниким, йиғлабон,  
Арз втай суртуб оёқиға узорим бу кеча.

Баэм аро гар маст ҳам бейхтиёр ўлсам нетонг  
Ким, қўлумдин олди ул ой ихтиёрим бу кеча.

Айламанг ғамдин гумонким гирияи шоди эрур,  
Жомдек қон тўкса чапми ашкборим бу кеча.

Эй муғанвий, олмайин ором туз вазнин сақил,  
Токи сокин бўлғай орому қарорим бу кеча.

Бору йўқ нағманг етургил мажлис аҳли самъиға  
Ким, фидо созингға айлай йўқу борим бу кеча.

Эй фалак, меҳрингни ётроқ айла мағрибда ниҳон,  
Фурқат ичра ҳаддин ошти интизорим бу кеча.

Гардиши гардуни дундин ғам эмас Ферузға,  
Чунки лутф этти манга чобуксуворим бу кеча.

\* \* \*

Гулистон ичра ул дилбар келур мастона-мастона,  
Бўлур шамъи руҳига жон қуши парвона-парвона.

Тутуб зуҳду вараъ таркини кирдим дайр аро бу тун,  
Кетур, соқий, манга эмди тўла паймона-паймона.

Қилур жавру ситам, қилмас тараҳҳум ман ҳазиннига,  
Десам рози дилмни бошига айлона-айлона.

Бориб ағёр базмига, ичиб ишрат майин туп-кун,  
Мени ҳижронда айлаб ғам билан ҳамхона-ҳамхона.

Қилиб пинҳон юзин ман зори ҳайрондин паризодим,  
Фироқида мени қилди ажаб девона-девона.

Ҳавас айларсан, эй дил, ишқ дашти сайрини қилмоқ,  
Кечиб бошдин, қадам қўймоқ керак мардона-мардона.

Қилиб зоҳир букун лутфу карам, Феруз, дилдорниг  
Келур коминг раво қилмоқ учун саллона-саллона.

\* \* \*

Кўрдум юзин, бердим кўнгул ул сарви гулрухсорга,  
Раҳм айламас ҳолим кўруб ман нотавони зорга.

Олиб тароғин илкига, айлаб паришон кокулин,  
Доғ узра қўйди доғлар бу сийнайи афгорга.

Лутфу карам зоҳир қилиб ман сори қилсанг бир назар.  
Қилгум фидо жону кўнгул ул наргиси хумморга.

Ишқ аҳли жисмидин олиб жонин, яна жон бергуси,  
Ўқуб газал овозини қўшса агар сеторга.

Дарди фироқи зўридин ҳижрон қоронғу шомида,  
Қон келгуси ёш ўрнига бу дийдаи хунборга.

Журмин не эркан билмадим ул бевафонинг оллида,  
Зулм этгуси мен зорга, лутф этгуси агёрга.

Феруз, ўлуб бахтинг ул ой васлига етсанг, эй сабо,  
Еткур саломимни менинг ул нозанин дилдорга.



На хуш бўлғай киши бир гулшан ичра дилбари бирла  
Майи гулгун ичиб маст ўлса ишрат соғари бирла.

Тузуб мажлис иков базм айласа ағёрдин пинҳон,  
Башар хайли нечукким айлағай суҳбат пари бирла.

Узориға гаҳи айлаб муҳаббат бирла наззора,  
Гаҳи комин чучук қилса даҳони шаккари бирла.

Муанбар ҳолу мушкин зулфини эслаб маҷомини  
Муаттар айласа бу навъ мушки анбари бирла.

Не ҳол ўлғой агар, Феруз, маъшуқинг карам бирла  
Безаб келса ўзин меҳру муҳаббат зевари бирла.



\* \* \*

Гул эмас ранг ичра гулгун орази гулнорича,  
Бўй аро сунбул ҳам эрмас зулфи анбарборича.

Сарв уруб озодликдин дам чекибдур кўкка бош,  
Қайда бўлгай дилбаримнинг қади хуш рафторича.

Кун ҳижолатдин бўлур ҳар тун шафақ ичра ниҳон,  
Ўзда кўрмай зеб ул гул оташин рухсорича.

Қолди ҳайрон наргиси фаттон онга юз кўз ила,  
Ўзни шаҳлолиқда кўрмай наргиси хумморича.

Зулмат ичра, буки дерлар, бордурур обиҳаёт,  
Сабзи хатти ичра йўқ шаҳди равон осорича.

Рух берур сўз неча қилса Масиҳон ошкор,  
Жонфизо эрмас масиҳим шаккарин гуфторича.

Дема эй зоҳид, манга жаннат гули авсофини,  
Кўзга илмон гулшан кўйида бутган хорича.

.) Эй кўнгул, эрмас мақоми амн ушбу даҳри дун  
Ким, етупмас роҳат ондин бир нафас озорича.

Жонга йўқ эрмиштур, эй Феруз, бу олам аро,  
Лаззат ичра ҳеч неъмат дўстнинг дийдорича.

\* \* \*

Бир пари тушда манга ораз намоён айлади,  
Кўргач-ўқ, ҳушу хирад мулкани вайрон айлади.

Ғамзаю нозу тағофул бирла имо айлабон,  
Кўзлари жонимни олиб қасди имон айлади.

Оташин гул баргини элтиб лаби хандониға,  
Жон ила кўнглумни рашк ўтиға сўзон айлади.

Зулфи мушкинин юзи узра паришон айлабон,  
Кўзларимни тийра, кўнглумни паришон айлади.

Чунки рухсори жаҳонтобин кўз очтим кўргали,  
Орази меҳрин ниқоб остида пинҳон айлади.

Сийнаси узра кўруб гулгун қабоси чокини,  
Гулшан ичра гул дағи чоки гирибон айлади.

Сесканиб уйғондим эрса, топмадим ондин асар,  
Ушбу туш Мажнун киби ақлимни ҳайрон айлади.

Ё раб, уйғоқлиқда рўзи қил висоли давлатин  
Ким, мани ошифта бир гул юзли жонон айлади.

Мумкин ўлгайму висоли ичра бир кун шодлиғ,  
Бўйлаким Ферузни ҳажрида гирён айлади.

\* \* \*

Юз очиб гар этса у шўх ошкоро хуснини,  
Кўргач ўлгай ҳар киши мажнуну шайдо хуснини.

Зарра янглиғ оллида кун зоҳир айлар изтироб,  
Ногаҳон гар кўрса ул хуршидсиймо хуснини.

Сабр ила тоқат кўнгул мулкидин ўлмишдур бари,  
Қилголи кўз бир нафас онинг тамошо хуснини.

Ё малак ёхуд пари ҳусн ичра монанди эмас  
Ким, анинг ҳақ айламин оламда якто хуснини.

Сафҳайи оразда мушкин хатти сиёҳи хол ила  
Айламин нурзийнат ул ойнинг сарупо хуснини.

Жаннат ичра ҳуру филмон суҳбатин қилмас ҳавас,  
Равзайи васли аро кўрган дилоро хуснини.

Ё раб, ўлгайму муяссар бир кеча Ферузга,  
Лаълидин ўпмак, тамошо айламак ё хуснини?

\* \* \*

Бу кеча базмим аро. не бўлди, ёрим келмади,  
Ўртади ҳижрон ўтига йўқу борим, келмади.

Кел деганда, «Яхши, келгум», деб эди, фарёдким,  
Билмадимким, не сабаб бўлди, нигорим келмади.

Неча кундурким, қолиб ҳижрон аро маҳжурман,  
Тарқатурға жоми васлидин хуморим келмади.

Келмакига ваъда айлаб эрди бу тун, оҳким,  
Ҳаддидин йўлида ошти интизорим, келмади.

Орази ҳижронида олам қоронғудур манга,  
Равшан айларга юзидин шои торим келмади.

Бўлди базмим гулшани кетгач хазони боғдек,  
Они айларга гулистон навбаҳорим келмади.

Хор аро гулдек бўлурға хўблар ўртасида,  
Сарвқадду гулжабини гулузорим келмади.

Ишқ сиррин кимга шарҳ айлай ман эмди, дўстлар,  
Маҳрами рози ниҳону ошкорим келмади.

Нола айларман туну кун ҳажрида Феруздек,  
Кўнглига таъсир этиб афғони зорим келмади.

\* \* \*

Кўзумга бир париораз падидор этдию, кетди,  
Дилу жонимни ҳуснига гирифтор этдию, кетди.

Қадам қўйгоч бузуқ кулбамга, гулзори жамолидин  
Мақомим боғи ризвондин намудор этдию, кетди.

Отиб мужгон ўқин қош ёси бирла чашми жаллоди,  
Саросар жисми беморимни афғор этдию, кетди.

Дедим: «Жоно, фироқинг ичра ўлдум, васл ила тиргуз!»  
Табассум лаъли жонбахшидин изҳор этдию, кетди.

Келиб таъжил ила қайтурга умр осор шитоб айлаб,  
Кўзумни ашки ҳасрат бирла хунбор этдию, кетди.

Нечаким ёлбориб, ўлтур, деб изҳори ниёз этдим,  
Ул айлаб нозу жаврин, ҳар неким бор этдию, кетди.

Паришон айлабон рухсори узра зулфи мушкинин,  
Кўзум ҳижрон тунидек тийраю тор этдию, кетди.

Узорин гул-гул айлаб, юз адою ноз этиб зоҳир,  
Гулл ҳуснига кўнглум булбулин зор этдию, кетди.

Деди: «Сабр айла, эй Ферузким, дилдоринг ўлғумдур!»,  
Бу сўз бирла манп гамдин сабукбор этдию кетди.

\* \* \*

Ёр сўрорға ман ҳазин ҳолини келмади, нетай?  
Ишқи ўтига куйганим кўзига илмади ,нетай?

Гарчи жаҳонда йўқтурур ман киб ишқи ичра зор?  
Ҳолима раҳм бир нафас умрида қилмади, нетай?

Масти шароби ҳусн ўлуб кўзлари хобу ноздин,  
Ҳолима қилғоли назар бир дам ойилмади ,нетай?

Ҳар неча ман ҳазиниға қилди висоли ваъдасин,  
Ваъдаси ичра бир нафас, лек топилмади, нетай?

Ишқ эли шоҳиман, вале ошиқнинг қаторида  
Ушбу ҳазинин ул пари кўзига илмади, нетай?

\* \* \*

Юзунгдур, эй париваш, ҳусн буржининг тўлон моҳи,  
Ики қошинг ҳилоли пйд янглиғ борча дилхоҳи.

Сапга монанд эмастур ҳеч ким хайли башар ичра,  
Малаксаи ё парилар сарвари, эй хўблар шоҳи,

Қуёшдек ораз ичра сирри огзинг ўйла мубҳамдур  
Ким, онинг хурдабинлар зарра янглиғ эрмас огоҳи.

Фироқинг ичра ҳолим шиддатин, жоно, билай десанг,  
Анга икки гувоҳ — кўз ёши бирла чехрайи қоҳи.

Ҷамолинг шамъи бирла тийра кулбам қилғоли равшан,  
Не бўлғай, юз очиб ёнимга келсанг раҳм этиб гоҳи.

Эрур Яъқубдек ики кўзум йўлунг уза гирён,  
Кўнгулга бўлди бир ой Юсуфим то бағбаганг чоҳи.

Не бўлғай, эй суманбар, раҳм этиб Феруз ҳолига,  
Мудом ўлсанг онинг инболидек ёнида ҳамроҳи.

\* \* \*

Тобакай, жоно, фироқинг ўти ичра ёқилай,  
Неча лаълинг ҳасратидин кўзда ёшимни силай.

Сандин ўзга кўнглум олгон шўх йўқ бу даҳр аро,  
Рост бил бу сўзни, жон ёрим, ёшингдин ўргилай.

Эй парирухсор олиб юздин ниқоб, ўтруға кел,  
Тийра кўзларни юзунгдин ҳар нафас равшан қилай.

Эй пари, ҳажрингда аҳволи харобимни билиб,  
Нетди раҳм айлаб десанг: «Бу кеча ёнингға келай».

Эй нигорим, бўсаи лаълингдин айлаб орзу,  
Гар десанг, Ферузнинг кўнглида не эркан биллай.



\* \* \*

Дилбарим бугун вафою меҳр оғоз айлади,  
Дилраболиқ расми қонунин яна саз айлади.

Келдию, ўлтурди ёнимда адову ноз ила,  
Барча ушшоқ ичра ман зорин сарафроз айлади.

Кўргузуб дилжўйлиглар худ имкондин фўзун,  
Дардима жонбахш нутқин чорапардоз айлади.

Лаъли руҳафзосидин айлаб такаллумлар аён,  
Ҳолим истиғфор қилмоқ бирла мумтоз айлади.

Онсиз эрди тийра айёмим зимистон фаслидек,  
Келдию, ҳусни баҳоридин қишим ёз айлади.

Чунки гул ҳуснин тамошо қилди кўнглум булбули,  
Сайрабон ҳиббат ҳавоси сори парвоз айлади.

Ман дедим: «Ферузга раҳм эт ниёзини кўруб»,  
Ул табассум шаккаротиз айлабон, ноз айлади.

\* \* \*

Қилиб ноз олдинг, эй маҳбуб, орому қароримни,  
На орому қарорим, балки ақлу ихтиёримни.

Йўқ оғзингдин такаллум мавжини зоҳир қилиб ҳар дам.  
Адам тўфонига бердинг ниҳону ошкоримни.

Нечук бераҳм эрурлар бу ики қотил кўзунг, эй шўх,  
Ки қилмишлар ҳадаф мужгон ўқиға жисму зоримни.

Юзунг меҳрини кўргач зарра янглиғ қолмас оромим,  
Таажжуб кўрмагил, эй дилбар, ушбу изтироримни.

Гуноҳим не эди, эй дилбар, айлаб жавр изҳори,  
Менинг ҳижрон аро ҳаддин ошурдинг интизоримни.

Не бўлғай, меҳрдек юз бирла келсанг қилғоли равшан  
Фироқингда қорорғон тийра чашми ашкборимни.

Ҳижолатдин бири терлаб, бири қаддини айлар хам,  
Кўруб сарву гул ул шамшод қадду гулузоримни.

Букун дерсиз манга, эй дўстлар ишқини тарк этгил,  
Магарким кўрмаган эрмишсиз ул зебо нигоримни.

Жанобида ўзин қул этгай эрди Юсуфн Мисрий,  
Агар кўрса менинг хуршидталъат шаҳсуворимни.

Етур, боди сабо, то пойибўси давлатин топгай,  
Агар кўйи сори эссанг, бу жисми хоксоримни.

Паришон зулфидин, Феруз, улфат риштасин узма,  
Десагким қилмасун ошуфта даврон рўзгоримни.

\* \* \*

Бўлмаса базм ичра ул ой, ўзга дилбарни нетай?  
Лаъли жопбахшидин айру шаҳду шаккарни нетай?

Қилмаса равшан юзидин тийра бўлгон кўзларим,  
Моҳитобонни на айлай, меҳри анварни нетай?

Бошима еткурмаса зийнат қудуми гардидин,  
Тожи афсарни на айлай, мулки кишварни нетай?

Зулфи атриддин машомиши муаттар қилмаса,  
Даҳр бўстонда бутган сунбули тарни нетай?

Гар базарда бўлмаса ул сарвқомат жилвагар,  
Сидрайи тўбни била сарву санавбарни нетай?

Гулузори узра холи мушкфомин кўрмасам,  
Оташин гулни на айлай, мушки анбарни нетай?

Мақдами исори базм асбобга сарф ўлмаса,  
Лаъли гавҳарни на айлай, сийм ила зарни нетай?

Бўлмаса базм ичра соқий ул пари пайкар агар,  
Бодаи гулфом ила гулранг соғарни нетай?

Гар муяссар бўлса ўпмак лаълидин Ферузга,  
Хуру гилмонни на айлай, оби кавсарни нетай?

## МАСНАВИЙЛАР

\* \* \*

Онга ҳамдким ҳаййи доно дурур,  
Бори илми қудратда якто дурур.

Яратти тўқуз ҳарфни мустадир,  
Бировни шаҳ этти, бировни вазир.

Жаҳондорлардур камин бандаси,  
Сарафрозлардур сарафқандаси.

Бировга бериб ҳусни беинтиҳо,  
Бировни қилиб ишқ ила мубтало.

Анга бермайин зарра янглиғ вафо,  
Мунинг пешасин қилди чекмак жафо.

Ул айлаб ситам ошиқиға шиор,  
Бу айлаб анга нақди жонин нисор.

Бировни қилиб ошиқи покбоз,  
Онга кўргузуб ёри ажзу нпёз.

Бўлуб бир-бирига баче меҳрибон,  
Қилиб дўстлиғ ошқору ниҳон.

Агар тушсалар бир-биридин йироқ,  
Чекиб кўкка афгон дебон ал-фироқ.

На ҳаддим демак анга лойиқ сано  
Кя, борман баче ожизу бенаво.

Худо ҳамдидин сўнгра тортиб қалам,  
Паямбар вурудини айлай рақам.

Зиҳи суруриким эрур коннот,  
Туфайли эрур гар жамоду набот.

Шафиъул-умам Саййидул-Мурсалим,  
Бўлиб пайк анга Жаброил ойн.

Гаҳи арши аълога айлаб уруж,  
Ғазо қилголи гоҳ айлаб хуруж.

Жаҳон мулкини исломобод этиб,  
Басе, яхши ишларни бунёд этиб.

Чекиб осийи уммат учун кўб таъб,  
Ўтуб умри қайгу бирла рўзу шаб.

Шариат била динга берди ривож,  
Шаҳаншоҳлар бошидин олди тож.

Илоҳий эрурман басе шармисор,  
Гунаҳ дуди бирла сиёҳ рўзгор.

Мани айлаб ул дўстунгга қарийб,  
Шафоат манга ондин этгил насиб.

Салом ўлсун авлоду асҳобиға,  
Бори аҳли аҳфоду аҳбобиға.

Хусусан ҳамул тўрт шайхи кибор  
Ки, дерлар они аҳли дин чорёр.

Аларга худо раҳмати дамбадам,  
Фузун ўлсун, бўлмасун ҳеч кам.

Алардин сўнг, эй нодири рўзгор,  
Йўлунгга дуо дуррин айлаб нисор.

Дебон ҳаддин ортуқ дуои салом,  
Санга арзи ҳолимни айлай паём.

Салом, эй шаҳи қадди зебо жамол!  
Салом, эй гули бўстони камол!

Салом, эй париваш малойик сифат,  
Сўзидин ўлук танга берган ҳаёт!

Салом, эй сабоҳат баҳрида меҳр,  
Салом, эй фалак қадар хуршид чехр!

Салом, эй суманбўйи ширинсухан,  
Салом, эй жафошеваю жаврфан!

Салом, эй кўзи жонга бўлгон бало,  
Сочи куфри имонга бўлгон бало!

Салом, эй ҳаё бўстонида вард,  
Бари хўблар ичра яктою фард!

Дуодин сўнг, эй дилбари хуш мақол,  
Қилурман санга бу сифат арзи ҳол.

Эшит барча арзимни солиб қулоқ,  
Қилай шарҳи розимни бошдин оёқ.

Десам сўз чучук ё дер эрсам ачиғ,  
Замирингга келтурма они қатиг.

Санга арзи ҳолимни айлай баён,  
Ниҳон борча сиримни доғи аён.

Аё шўх и якто, барнои даҳр,  
Етушгай юзунг нуридин кўзга баҳр.

Эдим базми васлинг аро асру шод,  
Трикликдин эрдиг манга сан мурод.

Топар эрди базмингда кўнглум сурур,  
Жамолингдин эрди кўзум ичра нур.

Туну кун ёпингда анисинг эдим,  
Халою малода жалисинг эдим.

Эди шод кўнглум топиб суҳбатинг,  
Улуг давлат англар эдим қурбатинг.

Сочингдин машомим муаттар эди,  
Кўзум оразингдин муаввар эди.

Лабингдин эди жоним ичра ҳузур,  
Сўзунгдин топар эрди кўнглум сурур.

Ғоҳи қўл солиб поз пла бўйнума,  
Қирар эрдиг ўйнаб гаҳи қўйнума.

Юзунгни агар кўрмасам бир замон,  
Кўзумга қоронғу эди бу жаҳон.

Гаҳиким, жамолинга қилсам назар,  
Бўлур эрди жону кўнгул баҳравар.

Гаҳи ислабон мушқдек кочилинг,  
Бўлур эрдим ошифтаи бедилинг.

Гаҳи кўз солиб анбарин холинга,  
Гаҳи орази меҳри тимсолинга.

Жунундин гар етса ошуфтаҳол,  
Қилур эрди бу лек дафъи малол.

Кўзунг ноз ила кўнглум олғон замон,  
Берур эрди лаълинг яна тоза жон.

Тиззам устида айлар эрдинг мақом,  
Эдинг мурғи давлат киби асру ром.

Висолинг хаёл айлар эрдим чунон,  
Сани онда ҳур айлар эрдим гумон.

Манга сан доғи кўб эдинг меҳрибон,  
Эдим гўйи ман жисму сан анда жон.

Басе ваъдаи васл айлаб мудом,  
Ёнингдин айирмас эдинг сўбҳу шом.

Десаиғ сўз манга айлар эрдинг хитоб,  
Эшитур эдинг посухи бо савоб.

Бўлуб тун-қун иқболдек ҳамдаминг,  
Эдим бахтдек мунису маҳраминг.

На дер эрсам айтур эдим борҳо.  
Сан онинг бирин этмас эрдинг баҳо.

Қилиб гоҳ-гоҳи манга илтифот.  
Дер эрдинг аё шўхи олий сифот

Ки: «Эй ошиқи хаста ҳолим менинг,  
Раҳи ишқ аро поймолим менинг.

Ўзига висолимни англаб маҳол,  
Кечурган кунин йиғлабон моҳу сол.

Қолиб фурқатим ичра зору низор,  
Кечурган қаро айлабон рўзгор.

Лабим ёди бағрини қон айлаган,  
Висолим учун садқа жон айлаган.

Сочим фикрида бўлгон ошуфтаҳол,  
Ғами фурқатим ичра чеккан малол.

Чекиб дарди ҳижрон аро қўб таъб,  
Шабу рўз васлимни этган талаб.

Бу дамким, бериб ҳақ муродинг сенинг,  
Бўлуб дастгир эътиқодинг сенинг.

Қилиб тағри лутфини ёвар санга,  
Висолимни этмиш муяссар санга.

Қилиб эмди базми висол ичра шукр,  
Тамошойи ҳусни жамол ичра шукр.

Яна фурқат айёмини қилма ёд,  
Мудом эт висол ичра кўнглунгни шод

Ки, то манда бордур бу ҳусну жамол,  
Сен ул мажлисим ичра ишратигол!»

Бу сўзлар билан дурафшонлиғ қилиб,  
Бурун бу сифат меҳрибонлиғ қилиб.

Иедин сўнгра айлаб манга қасди жон,  
Фироқ ўтига кўксум этдинг нишон.

На гўстоҳлик зоҳир этдим санго,  
Ҳазин жонима ҳажр кўрдинг раво.

Дедимму юзунг меҳрини офтоб?  
Қадинг сарв деб айладимму хитоб?

Муқаввас қошингни дедимму хилол?  
Етушти санга мунча мандин малол?



Дедимму сани ёки гунчадаҳон?  
Менинг бағрим этдинг фироқ ичра қон?

Дедимму икки чашминг оҳуйи Чин?  
Чекибсан менинг қатлима тигу кин?

Сочинг бўйи райҳон берурму дедим?  
Ўлукка сўзунг жон берурму дедим?

Висол ичра қадрингниму билмадим,  
Ва ё хизматингни билиб қилмадим.

Гуноҳим недур, аввал этгил баён,  
Сўнгида на қилсанг ўзинг бил равон.

Қилурму киши мунча бадхўйлиғ,  
На бадхўйлигким, жафожўйлиғ.

Бўлуб ойру ёри вафодоридин,  
Илик чекмайин бир дам озоридин.

Бериб гоҳ қаҳр айлабон хўб азоб,  
Қилиб ноз ила гоҳ бағрин кабоб.

Жафою ситам тигин ўз ёрига,  
Чекиб илкини сунгай озорига.

Тариқи мурувват бу навъ ўлғому?  
Вафою футувват бу навъ ўлғому?

Бурун кўргузуб анча меҳру вафо,  
Сўнгида қилиб мунча жавру жафо.

Қилурсан рақибим била бода пўш,  
Ичим қон бўлуб ман чекарман хуруш.

Бўлуб базми васлингда хушдил рақиб,  
Етиб ман ҳазиндин ўларга қарийб.

Фалон қайда деб айламай ҳеч ёд,  
Ичиб ўзгалар бирла жоми мурод.

Не қилдим санга, эй жафопеша ёр,  
Қилурсан мапга мунча зулм опқор.

Қилиб эмди қаҳру итобиғни бас,  
Тараҳхум қил аҳволима бир нафас.

Гул ҳусн эрур асру, беэътибор,  
Ки, борму жаҳонда хазонсиз баҳор.

Ғанимат билиб ҳусн давронини,  
Кўб ўртатма ишқ аҳлининг жонини.

Бу дунё мукофот жойидурур,  
Ки, ампки, офот жойидурур.

Санга ҳам фалак зулме этиб ошкор,  
Баногаҳ биров ишқида қилса зор.

Кўра олмайин ёрдин илтифот,  
Топа олмайин ишқдин ҳам нажот.

Қолиб дарди ҳижрон аро моҳу сол,  
Висолиға етмоқлик ўлса маҳол.

Хаёли лабидин кўзунг тўкса қон,  
Қоши ёдидин қаддинг ўлса камон.

Мусалсал сочи фикридин печтоб,  
Тушуб жисмингга айласанг изтироб.

Фироқ ичра дарду аламму бу,  
Агар қилсалар бошинг узра ғулу.

Менингдек тушуб айру дилдордин,  
Йироқ бўлмайин бир дам озордин.

Замиринг бўлуб ҳажраро беқарор,  
Тонг отғунча йиғлар эсанг зор-зор.

Ҳамул дам билиб ҳолим, эй бевафо,  
Тушуб ёдинга манга қилгон жафо.

Билурсан фироқ ичра на бор экан,  
Нечук жопи зоримда озор экан.

Кел эмди карам ошкор айлабон,  
Муҳаббат русумин шпор айлабон.

Қилиб қадрим аввалгидин ҳам баланд,  
Яна айлабон лутф ила аржуманд.

Висолинг ҳаримпга хос эт мани!  
Жудолиқ гамидин халос эт мани!

Сапи доғи ул қодирн зул-жалол,  
Қилиб ҳусн бўстонида баркамол.

Хазондин вужудинг гулин асрасун,  
Мудом ўз паноҳи аро сақласун!

Замириягга еткурмайин ҳеч ранж,  
Ниҳоятсиз этсун ато санга ганж.

Қилиб суҳбат Феруз ила шодмон,  
Қиёматгача айласун комрон.

Агарчи бу янглиғ сўзум топти тул,  
Раво кўрмайин айб, қилгил қабул.

Бурунғудек айлаб яна плтифот,  
Ҳазин кўнглума дарддин бер нажот.

Бу эрди паёмимки, ёздим тамом,  
Бас этдим дуо бирла сўз вассалом.

Яна қолмасун, эй, саодат нишон,  
Замирингга маҳф бу сўз ногаҳон.

Агар мундин ортуқроқ айлаб жафо,  
Яна ҳажр ила айласанг мубтало.

Мени билки, ҳеч қолмамин қувватим,  
Кўнгул ичра на сабр ила тоқатим.

Бу янглиғ фироқ ичра тортиб азоб,  
Адам сорн гар айлар эрсам питоб.

Бўлуб ҳашр аро додхоҳинг санинг,  
Худо наздида тутғайман доманинг.

\* \* \*

Соқиде, тут манга карам жомин,  
Тўлдуруб васли роҳи гулфомин.

Ранги бўлсун ақиқдин рангин,  
Таъми—оби ҳаётдин ширин.

Жон тошиб лаззатидин онинг қут,  
Дилкушо бўлсун ўйлаким ёқут.

Май дема они шарбати жон де,  
Шарбати жон де, лаъли жонон де.

Лаб-балаб айлай они пайдар-пай,  
Бирла чиқсун бошимга базм аро май.

Ки фироқ ичра зормен асру,  
Муддатидур, хуммормен асру.

Токи нўш айлаб они мастона,  
Бошлайин беҳудона афсона.

Бошима не келибдурур бир-бир,  
Хома бирла борин қилай таҳрир.

Гоҳ айлаб замон васлини ёд,  
Еткурай кўкка оҳ ила фарёд.

Гаҳ ёзиб ҳажру дард ила аламин,  
Гаҳ битай ёри бевафо ситамин.

Гаҳ фалак илқидин шикоят этай,  
Ҳақғаки, шукри бениҳоят этай.

Гаҳ уруб сабри доминга қўлум,  
Бошқарай дўст кўйи сори йўлум.

Бу сифат сўзлар айлабон ҳоли,  
Кўнглум айлай малолдин холи.

Ваҳ, на хуш кун эди замоне висол,  
Хуш кечиб базми васл аро моҳу сол.

Ерима бахтдек бўлуб ҳамдам,  
Доим иқболдек эдим маҳрам.

Кўнглум эрди висолидин гулшан,  
Кўзум эрди жамолидин равшан.

Жон топиб лаълининг зилоли била,  
Шод эдим жонфизо мақоли била.

Кўрмак ила кўнгулда сурур,  
Жон топар эрди суҳбатида ҳузур.

Кўзи қатлимға айласа нмо,  
Лаъли жонбахши эди Масиҳосо.

Мижаси жонима ўқ отса равон,  
Кўксим айлар эдим ул ўқға нишон.

Кўрубон қошини нечукким «нун»,  
Қаддим айлар эдим қошида нигун.

Енима келса ул қади шамшод,  
Равза тўбисин этмас эрдим ёд.

Сунбул зулфин ислабон ҳар дам,  
Даҳр андуҳидин эдим беғам.

Анбарин ҳолини кўруб ҳар ён,  
Соғинур эрдим ани нуқтаи жон.

Тишин инжу хаёл этар эрдим,  
Лабини фаҳми бол этар эрдим.

Оғзким бор эди хат ичра нпҳон,  
Зулмат ичра бу чашмай ҳайвон.

Гоҳ зоҳири такаллум айлар эди,  
Гоҳ пинҳон табассум айлар эди.

Дўстим эрди зоҳиру пинҳон,  
Гўй ман жисм эрдиму ул жон.

Кечаю кундуз ичра бир соат,  
Мансизин йўқ эди онга тоқат.

Гаҳ солиб гул кибн узориға кўз,  
Гаҳ ниҳони дебон қулоқига сўз.

Қучушуб гаҳ парини инсондек,  
Чирмошиб гоҳ ишқи печондек.

Сийпабон гаҳ кумуш баданин,  
Упубон гаҳ шаккари даҳанин.

Дер эдим:—Пайкаринг эрур сиймин!  
Дер эди:—Бу сўзунг эмастур чин!

Дер эдим:—Бордурур лабинг чун қанд!  
Дер эди:—Қилма қандға моманд!

Дер эдим:—Оразингму ёки қуёш?  
Дер эди:—Қунда бормудур кўзу қош?

Дер эдим:—Кўзларингму оҳуйи Чин?  
Дер эди:—Онда борму зулм ила кин?

Дер эдим:—Қоматингму сарви равон?  
Дер эди:—Ондадурму жилва аён?

Дер эдим:—Кокилингмудур печон?  
Дер эди:—Ганжи ҳуснум узра илон!

Дер эдим:—Юз узра тушубму нуқат?  
Дер эди:—Хол эрур сўз этма ғалат!

Дер эдим:—Қошларинг эрурму ҳиллол?  
Дер эди:—Ул бўлурму зеби жамол?

Дер эдим:—Тишларингмудур инжу?  
Дер эди:—Онча соф эмас лўълу!

Дер эдим:—Лабларинг эрур кавсар!  
Дер эди:—Онда йўқ сафодин асар!

Дер эдим:—Сан паримусан, эй жон?  
Дер эди:—Ман парисифат инсон!

Дер эдим:—Хурдек эурсап хўб!  
Дер эди:—Манча ул эмас маргуб!

Айлар эрдим ман ондин онча савол,  
Берур эрди жавобин ул филҳол.

Дер эди:—Сансап ошиқи зорим,  
Даҳр аро сандин ўзга йўқ ёрим.

Кўзи гар борса уйқуға ногоҳ,  
Ишқидин тортибон ман ўтлуг оҳ.

Булбулосо чекиб навою фиғон,  
Гул ҳусниға бор эдим ҳайрон.

Лабидин бўса айлаб оҳишта,  
Тонар эрдим фарах мани хаста.

Рашқдин субҳ этиб яқосини чок,  
Тузмас эрди бу базмима афлок.

Бу сифат ёри меҳрини афзун,  
Кўрубон зулм фош этиб гардун.

Мани охир ул ойдин этти йироқ,  
Солди жонимға доғи дарди фироқ.

Зори жонимға зулм кўрди раво,  
Мани ул ёр жондин этди жудо.

Мани дилдори меҳрибонимдин,  
Ойириб ўт чиқорди жонимдин.

Чун менинг будим этти чарх побуд,  
Ҳар неча куйсам энди йўқтур суд.

Кўнглум ар топмаса висол ила баҳр,  
Не карак бўлмоқи маконим шаҳр?

Қади гар бўлмас эрса жилванамо,  
Сарвни найлайин мани шайдо?

Юзи бўлмас эса манга манзур,  
Не керак мардум кўзум аро пур?

Қулоқим гар сўзин эшитмас эса,  
Нетайин сўз агар Масих деса?

Топа олмас эсам лабидин ком,  
Комим эрмастурур майи гулфом.

Юзидин айру найлайин гулни,  
Зулфи атридин айру сунбулни?

Кўзи жонимга бўлмаса офат,  
Найлайин умримга тилаб муҳлат?

Кўйи бўлмас эса манга маскан,  
Найлабон не қилай беҳиштни ман?

Етмаса васлидин кўнгулга сурур,  
Не қилай ҳамдамим агар эса ҳур?

Сўрмаса ёр ҳоли зоримни,  
Ҳажрида жони беқароримни.

Не кечар фурқати аро манга ҳол,  
Билмас эрса гар ул пари тимсол.

Бедилим йўқму деб ва ёхуд бор,  
Хабаре тутмас агар дилдор.

Мани маҳзувин ул қади шамшод,  
Айламас эрса ошиқим деб ёд.

Кечуруб ман фироқ аро айём,  
Топса ағёр базми васлида ком.

Бўлубон манга захри ҳажр насиб,  
Шарбати васлин этса нўш рақиб.

Ютубон мап лаби фироқида қон,  
Бўлса ағёр базм аро хандон.

Ман бўлуб ишқи бирла афсона,  
Шод эса суҳбатига бегона.



Бу сифат бўлса ёр ёт манга  
Не керак даҳр аро ҳаёт манга.

Дилбарим гар бу навъ қилса жафо,  
Манга даркор эмас ҳаёт асло.

Васл субҳи гар ўлмаса умид,  
Не қилай умри тилаб жовид.

Оҳким, жавр этиб баҳри дани  
Солди охир жудолик ичра мани.

Чун мани айру қилди жонодин,  
Жисмим ойирди гўйиё жондин.

Эмди бор кўнглум ичра не тоқат,  
Жисми беморим ичра не қувват.

На оёқда юрур мажолим бор,  
Сабр этиб ўлтурур на ҳолим бор.

На манга мунглашурға бир маҳрам!  
На манга йиглашурға бир ҳамдам!

На манга бор жаҳонда бир ғамхор,  
То онга дардим айласам изҳор!

Кимниким ўзга дўст билсам ман,  
Жони зоримға ул бўлуб душман.

Ҳарнеким олам ичра жавру ситам,  
Бўлса айлар эди борин ул ҳам.

Айлабон ҳар тарафға наззора,  
Дардима ҳеч топмайин чора.

Бир макон ичра ўлтуруб таңҳо,  
Йигламоқдур ишим сабоҳу масо.

Гоҳ-гоҳи қўлумға олиб руд,  
Тузубон ҳар дам ошиқона суруд.

Рост оҳапглик қилиб оғоз,  
Бўлуб ушшоқдек наво пардоз.

Утлуг абётлар ўқуб мани зор,  
Чиқориб кўкка оҳи оташбор.

Дермап: Эй чарх, бу нечук ойин,  
Сангаким, бу сифат қилурсан кин.

Ким, менинг ёри меҳрибонимни,  
Ойириб ёқдинг ўтга жонимни.

Бевафолиг русумини туздинг,  
Манга бу навъ зулм кўргуздинг.

Фалаки кажраво ситамкоро,  
Нега қилгунг манга бу навъ жафо?

Ҳаро дедимму орази олинг?  
Оқ дедимму юзингдаги холинг?

Е бу сўзлар санга эса таъриф,  
Ман доғи бу сифат қилиб тавсиф.

Сани дей бир ажуза маккора,  
Ҳолинг оқдур, вале юзунг қора.

Айбнарварсан, ҳунари душман,  
Доимо макру ҳийладур санга фан.

Кимни кўрсанг висол аро хандон,  
Они қўймасан айламай гирён.

Кимки, нўш этса ёр ила бир жом,  
Кўймағург онл қилмайин ноком.

Ким севар ёри бирла ҳамоғуш,  
Бир замон бўлса тарк ўлуб санга хуш.

Кўргузуб турфа беҳаёлиқлар,  
Ўрта ерга солиб жудолиқлар.

Кўнглига еткуруб туман озор,  
Қилгунг охир фироқ аро ани зор.

Кўзпдин ўчса тонггача уйқу,  
Сан эмассан онинг учун қайғу.

Турфа бераҳм эрурсан золим,  
Ким илкингдин ўлмади солим.

Бу сифат нола бирла субҳу шом,  
Ўткарурман фироқ аро айём.

Бир киши йўққи мандин истифсор,  
Айлабон дегали на ҳолинг бор.

Турфароқ буки ул ҳужаста ниҳод,  
Ақлу ҳушимни айлаган барбод.

Яъни ул ҳусн кониинг гавҳари,  
Насли ипсон демай, дей оши пари.

Билибон ҳажрида недур манга ҳол,  
Не кечар фурқати аро моҳу сол.

Эшитиб мунча оҳу фарёдим,  
Ошиқим деб бир айламас ёдим.

Унутуб борча аҳду паймонин,  
Айламас ёд бу паришоним.

Қилибон тарки расм меҳру вафо,  
Жонима ул ҳам айлаб эмди жафо.

Мунча ҳам бевафолиқ ўлгайму?  
Бу сифат пуржафолиқ ўлгайму?

Аъзал дўстлуглар айлаб фои,  
Сўнгра тузмак бедур бу навъ маош?

Бурун айлаб вафою меҳр шиор,  
Сўнгра қилмоқ недур бу навъ мадор?

Кўнглум айлаб бурун висоя ила шод,  
Сўнг недур мунча жонима бедод?

Собиқан айлаб аҳд ила паймон,  
Киши бўлгайму сўнгра офатимон.

Эй кўнгул, ҳақга шукр айлаю бас,  
Сўз узатмоқ бу навъ яхши эмас.

Қилмағил чарх жавридин шиква,  
Ер ҳам бевафо деб этма гила.

Бошингга не келур ниҳону аён,  
Қисмати ҳақдин ўзга қилма гумон.

Тангри қилгон эса неким тақдир,  
Бера олмас киши анга тағйир.

Чарх ҳам бир қуёш гамидин алам,  
Тортибон бўйла қадди бўлмиш хам.

Бир қаддин кўрки ўт сочиб ҳар ён,  
Раддин қичқуруб бўлуб нолон.

Қолиб ул ҳам фиरोқ дарди аро,  
Кўзидин ёш тўкуб саҳобосо.

Ул доғи беқарор ўйлаки сен,  
Ишқ аро доимо зору танҳо мен.

Ишқ бир ўтдурур, нечукким барқ,  
Айламас шоҳ била гадони фарқ.

Тушса ондин кўнгулга бир учқун.  
Куйдуруб бошига солур қаро кун.

Ишқ аро гарчи сабр эрур мушкул,  
Сен они пеша айлагил, эй дил.

Токи ҳақ мақсадинг қилиб ҳосил  
Сани ёрингга айлагай восил.

Бўлубон базми васл аро Феруз,  
Тун-кунинг бўлсун пйд ила наврўз.

Ер ила нўш этиб майи гулфом,  
Санга шояд муяссар ўлгай ком.

Айлабон илтифотлар, жонон,  
Сургайсан то абадгача даврон.

\* \* \*

Саю ҳамду халлоқи жаҳонга,  
Худованди замину осмонга,

Ким ул қодирдурур хайи тавоно,  
Тамоми айбдин зоти мубарро.

Зиҳи сонӣ ки сунъин айлаб изҳор,  
Қилиб ҳар кимни бир ишга сазовор.

Бировга ҳусн берди бениҳоят,  
Биров кўнглидин олди сабру тоқат.

Дуруд ўлсун онинг пайғамбарига,  
Расули ҳам набилар сарварига.

Яратди ҳақ они айлаб мукаррам,  
Туфайли бирла ўн саккиз минг олам.

Онинг авлодию асҳобиға ҳам,  
Дуо бирла салом ўлсун дамо-дам.

Булардин сўнгра, эй сарви гуландом,  
Санга бўлсун саломим субҳ ила шом.

Салом, эй дилрабойи ҳур тимсол,  
Салом, эй маҳлиқойи фаррух иқбол!

Салом, эй дилрабо покиза анвор,  
Салом, эй гулузору сарв рафтор!

Салом, эй гавҳари кони сабоҳат,  
Салом, эй дурри дарёи саодат!

Салом, эй хўблуқ бўстопида вард,  
Салом, эй ҳусн иқлими аро фард!

Агарчи манда, эй сарви дилоро,  
Йўқ авсофинг қилурға ҳадду ёро.

Дуо дуррин йўлунгда айлаб ийсор,  
Бу янглиғ ҳол айларман изҳор.

Ҳамулдамким, юзунгни кўрдум, эй ҳур,  
Балойи ишқинг айлаб жонима зўр.

Кўнгулда қолмайин сабру қарорим,  
Илиқдин кетди билкулл ихтиёрим.

Висолинг тун-кун айлаб орзулар,  
Йўлунгда тинмай айлаб жустужўлар.

Жупун куйи аро ҳар ён югурдум,  
Тилаб базми висолинг пўя урдум.

Бу янглиғ ҳол ила, эй сарвиқомат,  
Талаб айлаб сани беҳадду ғоят.

Етушган вақтда оғзимга жоним,  
Қуруғон чоғда мағзи устихоним.

Манга иқбол ўлуб ҳам бахт ёвар,  
Висолингни худо қилди муяссар.

Неча кун ман ғариб, эй сарви озод,  
Висолинг базмида эрдим, баче, шод.

Лабингдинки, насибим эрди шарбат,  
Сўзунгдинки, топар эрдим ҳаловат.

Қучар эрдим гоҳи нозук белингни,  
Сўрар эрдим гаҳи ширин тилингни.

Гоҳи илкимин бўйнунгға ҳамойил,  
Қилур эрдим йўқ эрди ҳеч ҳоил.

Думоғим зулфи мушкнининг муаттар,  
Қилур эрди гоҳи ҳоли муапбар.

Упар эрдим гоҳи шахло кўзунгни,  
Гоҳи тишлар эдим гўлгун юзунгни.

Билур эрдим висолинг роҳати жоп,  
Бўлур эрдим қошинг ёйига қурбон,

Кеча бўлса маконим қўйинунг эрди,  
Ётурда илким узра бўйинунг эрди.

Юзунгга юз қўюб, дўшинг узра дўш  
Тонг отғунча бўлур эрдим ҳамоғуш.

Тун ўлғонда бўлуб ҳуснунгга нозир,  
Юзунг кўрмак била хуш эрди хотир.

Апису ҳамдамнинг доим ман эрдим,  
Жалису маҳрамнинг доим ман эрдим.

Санга меҳру муҳаббат эрди пеша,  
Вафодин дам урар эрдинг ҳамиша.

Бу базмдин ҳасад еб чархи ғаддор,  
Жафо ойинини айлаб падидор.

Қилиб ўз одатича бевафолиқ,  
Орага оқибат солди жудолиқ.

Фироқ ичра қолиб ман зору гирён,  
Фалакка еткуруб фарёду афгон.

Қилиб ҳам кеча ҳам кундуз тақуцўй,  
Кезарман телбалардек кўй бар кўй

Кп, шояд топғайман васлинг сори йўл,  
Дебон пўя урурман соғ ила сўл.

На тпнмоқ бор манга, на бир таянмоқ,  
Ишим доим фироқ ўтига ёнмоқ.

Оёқимдин кетиб эмди мажолим  
Юарга қолмамишдур ҳеч ҳолим.

Қилиб эмди қоронғу уйда маскан,  
Тузуб мажнундек ўз ҳолимга шеван.

Гаҳи айлаб висол айёмини ёд,  
Қилурман беҳуда оҳу фарёд.

Ғади лаълинг ғамнда қон ютарман,  
Қадинг ҳажрида гаҳ мотам тутарман.

Қадим ё айламиш фикри ҳилолинг,  
Кўнгулдин тоқатим олмиш хаёлинг.

Белу оғзинг хаёли, эй нигорим,  
Мени нобуд этибдур йўқу борим.

Хусусан ушбу дардим асру душвор,  
Баногоҳ йўл топиб васлингга ағёр.

Кўзи кимпинг юзунгга нозир ўлғай?  
Ким алтофинг била хуш хотир ўлғай?

Жамолингдин кўзи кимнинг топиб нур,  
Ким эркан илтифотинг бирла масрур?

Ким эркан бодаи васлинг била маст?  
Жанобинг туфроқиға ким экан паст?

Сочинг занжири бирла ким экан банд?  
Ўпуб ҳолинг ким эркан шоду хурсанд?

Бу янглиғ фикр бирла субҳ то шом,  
Ғамингда ўткарурман йиғлаб айём.

Кўруб ман зордин мундоқ тазаллум,  
Биров йўқким, манга этгай тараҳҳум.

На еткургай санга мандин саломе,  
На келтургай манга сандин паёме.

Санга ҳолимни дердек бир кишим йўқ,  
Фигон чекмакдин ўзга варзишим йўқ.

Маал-қисса фиरोқингда мани зор,  
Бўлурман бу сифат ғамга гирифтोर.

Менинг ҳолим худ ушбудур эшитгил,  
Ўқўб номам ғамимнинг кўблукин бил.

Бу ерга тегру ҳолим, эй ситамкор,  
Этиб сан бўлмадинг ҳаргиз хабардор.



Қилиб ман зоринга ноошнолиғ,  
Вафо ўрнига қилдинг бевафолиғ.

Бурунги аҳду паймоннинг унутдинг,  
Муборак хотиринг манди совутдинг.

Билиб ҳажрингда тун-кун изтиробим,  
Бировдин сўрайин ҳоли харобим.

Гуноҳим не эликим, эй паризод,  
Мани бир нома бирла қилмадинг шод.

Бу навъ ўлғайму расми дилраболиғ,  
Тилаб ўз ошносидин жудолиғ.

Рақибн бирла ёру мунис ўлғай,  
Биров базмида шамъи мажлис ўлғай.

Сапга бу ишлар эрмас эрди лозим,  
Висолингда рақиб ўлғай мулозим.

Халойиқ таънидин не бир уёлдинг,  
Не этган ваъдани ёдингга солдинг.

Ажабким, сандин, эй маҳбуби нодир,  
Бу янглиғ бевафолиғ бўлди содир.

Кел эмди, қайт бу афъолн баддин,  
Ошурма номуноснб ишнн ҳаддин.

Яна ман зоринга айлаб мурувват,  
Муҳаббат расми бирла тутғил улфат.

Бурунги ваъдаларин ёдингга сол,  
Мани қил базми васлинг ичра хушҳол

Рақам қилдим гилаомиз нома  
Мани бечора, сан моҳи тамома.

Дуом улдур: «Сенинг ёшинг узалеуи,  
Кўруб фаррух юзунг кўз баҳра олсуи

Худо афзуи этиб ҳусни жамолини,  
Дамадам ортеуи фазли камолини.

Қулунгман, сан шоҳ, эй қаро кўз,  
Яна меҳру муҳаббат созини туз.

Мудом иқболу Ферузинг бўлуб ёр,  
Жаҳонда душманингдин қолмай осор.

Бўлуб олти жиҳатдин хотиринг хуш,  
Тараб жомин фалак тутсуи санга қўш.

Ўтуб умринг тараб бирла моҳу сол,  
Мудом ул маснаду иззатда хушҳол.

Гаҳи ёд айлагил бу зорни ҳам,  
Тараҳҳум бирла, эй барнойи олам.

\* \* \*

Эй қодир фаррухи доно,  
Халлоқи жаҳон басиру бийно.

Не аввалингда эрур билоят,  
Не бордур охиригга ниҳоят.

Бордурсан ашингдек эзиди пок,  
Зотинг айта олмас ақлу илрок.

Мавжудсан, ўзга борча нобуд,  
Борсан икки кави элига маъбуд.

Муҳтожинг эрур гадою султон,  
Лутфу карамингга йўқ ҳадду сон.

Ман зорга кўргузуб пноят,  
Айлаб шафқат, било ниҳоят.

Бергил илкимга жоми тавфиқ,  
Қиягиз мени шодкоми тавфиқ.

Ким, асру заифу зор эрурман,  
Осию гувоҳкор эрурман.

Дашти ҳавас ичра қолмишам зор,  
Хире илкига бўлмишам гирифтор.

Едингдин ўлуб мудом гофил,  
Кўнгламда туман хаёл ботил

Бошдин-оёқим эрур заломат,  
Тоатда ишимдурур касолат.

Тун-кун майи гафлат айла  
Мажнундек ўлуб мудом

Дарёи гунаҳга ўзни солиб,  
Ғарқоби жаҳолат ичра қолиб.

Бўлмишмен аспри нафси шайтон,  
Журму гунаҳимға йўқ ҳадду сон.

Тоатда гарчи нотавонман,  
Айларда гуноҳ паҳлавонман.

Ман худ бу сифатман асру гумроҳ,  
Ҳолимдин ўзунг эурсан огоҳ.

Раҳм айла бу навъ ҳолатимға,  
Чоҳи ғам аро малолатимға.

Қўб манда агарчи журми исён,  
Жўшон санга лек баҳри гуфрон.

Сансан ики кави аро паноҳим,  
Раҳм айлабон афв қил гуноҳим.

Қўнглум уйин айлагил саросар,  
Тавҳид чароғидин мунаввар.

Тоатда қадимни айлагил ҳам,  
Ўтфинг манга ҳаргиз этмагил кам.

Ман зорға тавба ато қил,  
Файзингға замирим ошно қил.

Даҳр элига гарчи подшоман,  
Эҳзонига мустаҳиқ гадоман.

Ҳалим била фақр элини қил шод,  
Ҳолини ила жаҳонни обод.

Ҳалимни айла мақбул,  
Ҳолини муродим айла маҳсул.

Ҳақомими рафиъ эт,  
Ҳолиниги шафиъ эт.

Ҳақоминингдин умид,  
Ҳақомини навмид.

Қил бахт ила толеъимни Феруз,  
Ҳар бир куним айла пйди Наврӯз.

Кўнглумда не эрса коми мақсуд,  
Бир дамда борисиң айла мавжуд.

Қил бахт ила толеъимни Феруз,  
Ҳар бир куним айла пйди Наврӯз.  
Кўнглумда не эрса коми мақсуд,  
Бир дамда борисиң айла мавжуд.

111 111

У Н 11

## МУХАММАСЛАР

\* \* \*

Кўрмак тилаб юзунгни, эй шўх гулузорям,  
Қонлар тўкар дамодам бу чашми ашиқборим,  
Кучмоқ тилаб белнигни ҳеч қолмади қарорим,  
Йўлунгда туфроқ ўлди бу жисми хоксорим,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Бўлғоч назарда зоҳир товусдек хироминг,  
Ақлимни қилди ҳайрон таъзим ила саломинг,  
Лол айлади тилимни тўтисифат каломинг,  
Йўқтур жаҳонда мандек бир камтариин гуломинг,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Сен ҳуси шоҳидурсен, раҳм айла бу гадоға,  
Келмасму ҳеч раҳминг бу зори мубталоға,  
Қаҳрингни айлаб афзун кўн қўймағил балоға,  
Лутфу карам шпор эт, хўй айлама жафоға,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Гулгун узоринг узра чиқмиш хатти зумуррад,  
Бу хат билла бўллуб сен ҳусн аҳлиға саромад,  
Гўё санга бўллубдур шамсу қамар обо жадд,  
Мундин зиёд ётарга васфингни йўқ манга ҳад,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Қаддинг хаёли тушгач хотирга, эй суманбар,  
Эрмас назарга манзур шамшод ила санавбар,  
Бўлмас эса муяссар ул кўкили муанбар,  
Тутгойму ўрниин оинг райҳону суибулу тар,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Қил ҳолима тараҳҳум, эй соқийи дилоро,  
Солди синоҳи ишиқинг жои кишвариға яғмо,  
Мани зор бедилингни лутф айлагил нигоро,  
Қолмади фурқатингда сабру қарорим асло,  
Оромижон нигорим, сарвиравон нигорим.

Меҳри қамардек олиб тожу камарни пинҳон,  
Охир бошу белига зийнат етурди ул жон,  
Қилсанг мунн тафаккур, эй шоирн суҳандон,  
Бир шўҳи дилрабоиниғ исми бўлур намоён,  
Оромнжон нигорим, сарвиравон нигорим.

Бўстонда базм этарга жамъ ўлсалар санамлар,  
Ул базм ичида Феруз бўлсун десаиғ суҳанвар,  
Ўз илкинғ ила тутғил бир доларанг соғар,  
Юз нозу ишва бирла кирганда боға дилбар,  
Оромнжон нигорим, сарвиравон нигорим.

\* \* \*

Чекиб ҳижронда ранжи бекарон оҳиста-оҳиста,  
Ютар эрдим лаби фикрида қои оҳиста-оҳиста,  
Бу ҳолимдин тобиш бу кун ишшои оҳиста-оҳиста,  
Манга раҳм айлаб ул шириш забон оҳиста-оҳиста,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста.

Шаби ҳижронда айлаб дарду меҳнат кулбасин маскан,  
Сочар эрдим сиринким донасин ҳар сори юз хирман,  
Бу ҳол ичра тараҳҳум кўргузуб ул дилбари нурфан,  
Фироқида қороргон кўзларимин айлади равшан,  
Очиб рухсоран хуршидгон оҳиста-оҳиста.

Қудуми интизорида бўлуб тонг отғуча бедор,  
Чекиб ҳар дамда гардуи сори юз минг оҳи оташбор,  
Бўлуб ғам тиги бирла сарбасар жону ташим афгор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етушти васлидин суҳбат равон оҳиста-оҳиста.

Миниб раҳишга букун ман сори атфи ишон айлаб,  
Шитоб ичра арақин гул уза шабнам фишон айлаб,  
Келиб базмим қудуми бирла гулзори жинон айлаб,  
Масиҳо муъжизин жонбахши лаълидин аён айлаб,  
Ўлук жисмимга берди тоза жон оҳиста-оҳиста.

Русуми дилраболиғ кўргузуб гул юзган жононим,  
Билиб ҳижрон ўти куйдурганин бошдин-оёқ жоним,  
Кўруб раҳм айлабон жисми низору чашми гирёним,  
Сўруб дилдорлиғ расми била ҳоли наришоним,  
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳиста-оҳиста.

Тараҳҳум кўргузуб ҳар дам фузун аъдоди имкондин,  
Табассум айлабон юз ишва бирла лаъли хандондин,  
Тақаллум бошлабон ҳар лафзини айлаб чучук жондин,  
Деди: «—Эй ошиқи зорим малолни дарди ҳижрондин,  
Бўлубсан асру зору нотавон оҳиста-оҳиста»



Майи лаълимни дардинга даво айларга келмишман,  
Замирингда не эрса муддао айларга келмишман,  
Неким расму муҳаббатдур, санго айларга келмишман,  
Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингга бори элдин ниҳон оҳиста-оҳиста.

Қилиб тун-кун висолим базмига етмакни андиша,  
Уруб Фарҳод янглиг рапжу меҳнат тоғига теша,  
Қилиб ишқимда кўнглунгни мусаффо, ўйлаким, ишша,  
Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл энди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста.

Эди ҳижрон аро мақсудинг ўнмак борҳо лаълим,  
Қучуб нозик белим кўнглунга сўрмоқ муддао лаълим,  
Бугун коминг не эрса қилеуси они раво лаълим,  
Агар истарсан ўнмакликни. энг жонфизо лаълим,  
Қучарсан, қуч белим, энгу миён оҳиста-оҳиста.

Манга иқбол янглиг бўлди чун ул ҳамдаму ҳамдаст,  
Оёқинг ўпкали ман оллида туфроғга бўлдум паст,  
Талаттуф бирла ул лаълин лабимга айлади пайваст,  
Ман ўлдум ёр лаъли бодаси бирла бўлуб сармаст,  
Фироқи ранжидин тоғтим омон оҳиста-оҳиста.

Кўзумдин оқишиб ашкни ҳижрон ичра сув янглиғ,  
Бўлуб оби равон ондин аён ҳар сори жў янглиғ,  
Риёзат тартибон айлаб танин заъф ичра му янглиғ,  
Киши гар содиқ эрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Ферузбахту комрон оҳиста-оҳиста.

\* \* \*

Зебо ингоримким, букун зар бирла зеварға ботиб,  
Енимға келди ноз ила қошу күзини ўйнотиб,  
Кўнглум паришон айлади юз узра зулфин тарқотиб,  
Дедим:—Кўзумниг равшан эт меҳри жамолинг кўрсотиб!  
Деди:—Узорим ўтиға жонинг нетарсан ўртотиб?

Ул дилбариким, бордурур ҳусн авжида моҳпора,  
Жонимға солди ишқ ўтин токи очиб рухсора,  
Чун ошиқ ўлғоч ишқининг дардига истаб чора,  
Дедим:—Тараҳхум айлабон ҳолимға қил наззора!  
Деди:—Кўзум жонинг фиғор этгуси ноз ўқин отиб.

Ҳусн аҳлининг шоҳи менинг шўҳи дилдорим эрур,  
Юз бирла зулфи ҳажрида тенг субҳ ила шомим эрур,  
Деди:—Санга мақсад на, эй бесабру оромим, эрур?  
Дедим:—Висол ичра лабинг шаҳди менинг комлим эрур,  
Деди:—Санга бергум они заҳри фироқ ичра қотиб.

Таъм ичра лаълидин эмас жаннатфизо кавсар суйи,  
Еткурмас элга нутқидек файзу сафо кавсар суйи,  
Бир кун бўлуб мазкур ул ой базми аро кавсар суйи,  
Дедим:—Лабингнинг шарбати ширинму ё кавсар суйи?  
Деди:—Бўлурму ҳар суйи оби бақоға ўхшотиб?!

На мумкин ул ой зулфининг атрича анбар бўлмоғи,  
Ширин лабига шарбати ҳайвон баробар бўлмоғи,  
Шахло кўзидек зулмкор даҳр ичра кофар бўлмоғи,  
Дедим:—Недин эркан бугун олам муаттар бўлмоғи?  
Деди:—Сочимни тонг ели юз узра солмиш бутротиб.

Бу кеча кулбамга келиб маст ул парилар сарвари,  
Этти кўзум равшан юзин очиб чу меҳри анвари,  
Чун субҳ чоғи масти хоб олуд эди наргислари,  
Дедим:—Кўзумг бедор қил ноз уйқусидин, эй пари,  
Деди:—Бу лаҳза фитнаи нойимни неткунг уйғотиб?

Ерим лабидинг ёнида жон шарбатидур бемаза,  
Йўқ партави рухсорича ҳусн авжи узра меҳру моҳ,  
Васлиға бир кун йўл топиб бир неча ожизлиқ била,  
Дедим:—Кўзунгдин ўргулай, бир бўса бер Ферузга!  
Деди:—Юзумни оғритур ҳар ён хатинг ниши ботиб.

\* \* \*

Рангин такаллумму бўлур чунким гуҳарафшон лабинг,  
Файзу фараҳ еткурбуси кўнглумга бепоеи лабинг,  
Фаҳм этмадим не хосият қилмушдурур пинҳон лабинг,  
Ёқутдурму билмадим ё лаъл эй жопон, лабинг,  
Ё оразинг гулзорида борму гули хандон лабинг.

Лаълинг фироқида бўлуб асру заифу хаста жон,  
Жисми низоримдин олиб қаддинг ғами тобу тавон,  
Ўлмакка етганда ёвуқ келдинг бошимга ногаҳон,  
Лаълингги бир ўпмак билда топтим ҳаёти жовидон,  
Эъжози Исому экан ё шарбати ҳайвон лабинг.

Жавру жафолар айлабон жонимга бу гардуни дун,  
Қилди лабинг ҳижронда ашкимни қон, бағримни хун,  
Дардим эрур беҳад фузун, кун-кундин аҳволим забун,  
Кўздин тўкуб ҳижрон аро доим сиршики долагув,  
Ўпмаклик айлаб орзу тун-кун ютарман қон лабинг.

Кўнглумга бўлмишдур лабинг бир бўса қилмоқ мудо,  
Муфт эрмас ушбу матлабим, булса агар, сандин раво,  
Олтун-кумиш худ саҳл эрур, эй дилбари шприлиқо,  
Гар бўса лаълингга жон нақдин қилур эрсанг баҳо,  
Олғум нединким бир ўпуб ўлганга на армон лабинг.

Тақвои тоат айлабон зуҳд аҳли тинмай рўзи шаб,  
Жаннатга кирмак орзу айлаб чекар ранжу тааб,  
Ақл эли кўйинг борида жаннатни қилғайму талаб,  
Феруз, жаннат равзасиц, гар, истамас эрмас, ажаб  
Ким, оразинг жаннат гули, кавсар суйи, эй жон, лабинг.

## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ТАХМИСЛАР

\* \* \*

Бир жилвагар бўлғоч кўзум оллида то қошу кўзунг,  
Фаҳми хирадин айлади манди жудо қошу кўзунг,  
Жонимни олди айлабон нозу адо қошу кўзунг,  
Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу кўзунг  
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу кўзунг.

Ҳам Хиэри хаттинг дилкушо, бордур масиҳойини сўзунг,  
Ҳам кўзу қошинг қотили жонбахш эрур, рангин сўзунг,  
Ҳам беқарор ўлғон кўнгулларга берур таскин сўзунг,  
Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг аро ширин сўзунг,  
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу кўзунг.

Тун-кун сўроғинг айлабон истаб муалло манзилнинг,  
Кўргач мусаффо оразинг, бўлдум асири бедилнинг,  
Жону кўнгул бетоб эрур сўрмоқ тилаб ширин лабинг,  
Олди қарори тоқатим оқ сийваю нозик белнинг,  
Солди қаро кун бошима икки қаро қошу кўзунг.

Боқғоч кўз ила қошинга, бўлдум асир, эй нўшлаб,  
Жоним ёқар ошиқ ўти, қошу кўзунг бўлди сабаб,  
Энди фиғонлар айлабон ҳижронинг ичра рўзу шаб,  
Қошу кўзунг бедодидин дод айласам эрмас ажаб  
Ким, не жафолар қилмади охир манго қошу кўзунг.

Фаррух юзунг ҳусн авжининг бордур моҳитобониким,  
Ҳайлинг эрур маҳбублар, сансан алар султониким,  
Манким таманно айламак, сан шўх бепарвониким,  
Нўқтур манга ишқинг аро юрмак тирик имкониким,  
Жонимни ё қадду юзунг олғуси ё қошу кўзунг.

Ҳусн аҳли шоҳисан, эрур мулкунг малоҳат кишвари,  
Икки кўзунг жоду эрур, қошинг аларнинг ханжар,  
Мажнундек ўлди кўргач-ўқ ҳуснинг жаҳон донолари,

Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари  
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу кўзунг.

Истаб висолинг базминни, эй хўбларнинг аҳсани,  
Иқболи Ферузинг киби кўб жустужў айлаб сани,  
Кўргач юзунг ишқ ўтиға куйди вужуди хирмани,  
Ширин лабингдин Огаҳий жисмиға жон берким, ани,  
Ултурди бир имо қилпб боқғоч қиё қошу кўзунг.

\* \* \*

Қилмиш азалда сунъи ҳақ ҳусн ичра якто оразинг,  
Ою қуёшга ўхшамас ҳаргиз мусаффо оразинг,  
Кўрган киши ақлиш қилур ҳайрону шайдо оразинг,  
Жонбахш лаълинг узра хат то қилди пайдо оразинг,  
Жамъ айлади хуршид уза Хизру Масихо оразинг.

Бир тун менинг кулбамга, эй маҳваш, карам рахшини сур,  
Очиб узорингни қаро шомига равшанлиг етур  
Ким, сандин эҳсону карам зоҳир бўлур вақтида кўр,  
Ойдек юзунг маҳжурлар шоми ғамини ёрутур,  
Партав менинг шомимга ҳам солғойму, оё, оразинг.

Лутф айлабон ман зорга, эй сарвқадди маҳлиқо,  
Кўйғил қадам кулбам аро очиб узори дилкушо,  
Токи чекарман оразинг кўрмак тилаб ранжу ано,  
Жонинг учун раҳм айлабон кўргуз юзунгким ҳажр аро,  
Жонимга етдим айлабон кўрмак таманно оразинг.

То ишқинг ичра эй пари, девонаи зор ўлмушам,  
Ҳажрингда ғам тирноғидин аъзони бир-бир юлмушам,  
Гулдек узорингни тилаб гулбарги янглиг сўлмушам,  
Рози ўлумга оразинг ҳажри ғамидин бўлмушам,  
Ўлтур мани ё тиг ила, кўргуз манга ё оразинг.

Қатъ эгали юз урмушам то фурқатинг тоғу тузин,  
Олмон қулоғимга ғаминг таркида носихлар сўзин,  
Майл этмағум гар хўблар ҳар неча арз этса ўзин,  
Кўз солмағум жаннат аро ғилмоғу ҳур очса юзин  
Ким, мақсадим кўюнг аро қилмоқ тамошо оразинг.

Ҳаргиз зулмат йўли сори ғайрат билла юз урмамиш,  
Гулзору кўюнг сайрига сазй ила маркаб сурмамиш,  
Ўзин тамошойи қаду рухсоринга еткурмамиш,  
Зоҳид тилар жаннат, гули сарвдин магарким кўрмамиш,  
Лутф ичра зебо қоматинг, ҳусн ичра якто оразинг.

Ферузининг арзи будур сан хўблар шоҳигаким,  
Бўлма сабаб жавр айлабон ҳар дам онинг оҳигаким,  
Бир лутф ила таскин етур фарёду жонкоҳигаким,  
Ишқининг ўтига куйгуси, раҳм айла Оғаҳийгаким,  
Токим кўрубдур бир назар ул зори шайдо оразинг.



## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Субҳким, ул сарви гулрӯҳ сайри гулзор айлади,  
Сарву гулға қадду рухсорин намудор айлади,  
Сарв қаддиға эғиб бош қуллуқ изҳор айлади,  
Гул юзин суртуб оёқиға ўзин хор айлади,  
Рашк тиғи жон пла кўнгулин афгор айлади,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади,

Бир нафас қилғоч назора ул қуёш рухсорға,  
Жон кўнглум қолди ишқи ранжидин озорға,  
Айласам жоним фидо боқмай ман беморға,  
Ҳар нафасда кўргузур юз илтифот ағёрға,  
Айламас бир раҳме зоҳир ман ғарибу зорға,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Жонфизо лаълин тақаллумға ойурса ногаҳон,  
Ҳар каломидин топар ўлган бадан руҳи равон,  
Гўйнё улдур бу даврон ичра Исоин замон  
Ким, киши кўрмайдур андоқ маҳваши ширин забон,  
Айб қилманг, истаб онц, айласам оҳу фиғон,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Хўб эмастур қадди тўъби қомати рафторича,  
Дилкаш эрмас равзан ризвои юзи гулзорича,  
Йўқтурур хуршид нури жабҳаи анворича,  
Сунбул эрмас атриарвар зулфи анбарборича,  
Тонг эмас, васлин талаб қилсам агар жон борича,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Оҳким, тарки муҳаббат айлабон ул дилрабо,  
Нотавон жонимға кўрди ҳажр андуҳин раво,  
Мунча ҳам бўлғойму бир бедилға қилмоқлик жафо,  
Дилраболиғ расмида аввал қилиб меҳру вафо,  
Сўнгра қилди меҳнат ҳижрони бирла мубтало,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ул қуёшдин айру бир зарра қарорим қолмади,  
Ақлу ҳушим кетди-ю, сабр-ихтиёрим қолмади,  
Дарди ҳижрон чеккали танда мадорим қолмади,  
Васл учун айлаб гадолиқ нангу орим қолмади,  
Йиғламоқдин ўзга ҳажр пчра шпорим қолмади,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

Ишқ мулкида эдим Ферузбахту комкор,  
Амрима маъмур эрди неча шўхи гулузор,  
Лекин они кўргач ўлдум бандаси бенхтиёр,  
Қолмайин кўнглум аро бир заррача сабру қарор,  
Ақл ила ҳушу хирадни қилди мандин беқарор,  
Дўстлар, ул дилрабо ишқи мани зор айлади.

\* \* \*

Ул пари эгнида гулранг либосини кўрунг,  
Меҳрдек оразининг нуру зиёсини кўрунг,  
Нутқи жонбахшу лаби руҳафзосини кўрунг,  
Отғоли ғамза ўқин қошлари ёсини кўрунг,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Оразидин олиб ул меҳру жаҳонтоб ниқоб,  
Зеб учун кўзга чекиб сурма, уруб юзга гулоб,  
Кўзлари фитнасининг қилғоли оламни хароб,  
Юзи ўти билла айларга жигарларни кабоб,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Гул хижил боғ аро онинг гул рухсоридин,  
Сарупо дар гул эрур қомати рафторидин,  
Лол эрур қумрию булбул лаби гуфторидин,  
Синди шаккарга баҳо лаъли шаккарборидин,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Жон олур ҳар боқини бирла қаро кўзгинаси,  
Тоza жон ҳам берур элга шаккарин сўзгинаси,  
Қоши ё, кинрики ўқ, офатижон юзгинаси,  
Фитнагар чобук худройи эрур ўзгинаси,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Кўз юмуб ноз ила гоҳи чекибон хомёза,  
Қош қоқиб гаҳ қилибон жилваи беандоза,  
Ўзига ҳар дам этиб ғамза фўнунин тоза,  
Қилди ошиқлигим олам элига овоза,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жонима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Жилван қоматиға туъбийи ризвои банда,  
Мутабассим лабиға гунчаи хандон банда,  
Икки шахло кўзиға паргиси фаттон банда,  
Орази меҳриға хуршиди дурахшон банда,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо позу адосини кўрунг,  
Жошима ҳар нафас озору жафосини кўрунг.

Токи ул шўх ғами ишқиға дучор ўлдум,  
Дам-бадам дарди бало хайли била ёр ўлдум,  
Кокили домиға нобасти гирифтор ўлдум,  
Талаб васлида Феруз киби зор ўлдум,  
Ваҳки, ул меҳрлиқо нозу адосини кўрунг,  
Жошима ҳар нафас озору жафосини кўрунг."

## РУБОИЛАР

\* \* \*

Эй шўх, тараҳҳум айлаким, зорингман,  
Жону дилу дин ила гирифторингман.  
Гар васлингга айласанг баҳо жон нақдин,  
Юз жон эса ҳам бериб харидорингман.

\* \* \*

Қилмиш мани бир дилбарни зебо ошиқ,  
Бошдин оёқи латифу раъно ошиқ,  
Йўқ мумкин ўзи холи ҳамсухбати ман,  
Бўлғайму манингдек яна пайдо ошиқ.

\* \* \*

Жонбахши каломинг эрур ул навъ фасиҳ,  
Исо кибби жон бергусидур элга сарих,  
Ҳар шўхки, ҳусн ичра тутар ўзни сабиҳ,  
Сан борчасидин сабиҳ ҳам асру малиҳ.

\* \* \*

Кўргач юзунг, эй дилбар, фархунда сифот,  
Ҳеч қолмади кўнглум аро орому сабот,  
Хосияти лаълинг оби ҳайвон янглиғ,  
Сўргон кишига бергуси жовиди ҳаёт.

\* \* \*

Кам этмади қаҳрин манга дилдор ҳануз,  
Тарк айламади жавр ила озор ҳануз.  
Ман ҳажрида субҳу шом йиғларман қон,  
Хушнуд эрур базмида агёр ҳануз.

\* \* \*

Ғар дилбарим ўлмаса манго ҳамсухбат,  
Найлай эса юз ҳурлиқо ҳамсухбат,  
Ул шўх агар анисим ўлмас эрса,  
Даркор эмас ушбу даҳр аро ҳамсухбат.

\* \* \*

Рўзи санга борча ком бўлсун, ёраб!  
Иқболу май мудом бўлсун, ёраб!  
Ҳам давлати мустадом бўлсун, ёраб!  
Ҳам ишрати бардавом бўлсун, ёраб!

## ЛУҒАТ

- абвоб — бўлаклар, қисмлар, боблар.  
абкам — соқов, гуяг  
обо жадд — ота-бобо  
аврод — вирдлар, зикрлар  
авсоф — таърифлаш, мақсад  
адам — йўқлик  
ажзу ниёз — ожизлик ва ёлвориш  
ажуза — а) қора хотин; б) кўҳна олам  
айн — а) кўз; б) булоқ; в) моҳият; г) ўхшашлик; д) қуёш;  
е) олтин; ё) соз, яхши.  
алҳон — ёқимли овозлар, ашулалар  
ал-фироқ — айрилиш  
амн — омонлик, тинчлик  
анбарбор — анбар иси сочувчи, тим қора ва муаттар  
анбарин — а) анбар ҳидли, хушбўй; б) қора, муаттар нарса  
анис — а) улфат, дўст; б) ёқимли  
ано — машаққат, қийинчилик  
анфос — нафаслар  
арақ — тер  
аржуманд — азиз, қадрли, ақли  
асҳоб — ҳамдард, шафқатли, кўнгилчан  
афвож — тўдалар, гуруҳлар  
афгор — яраланган, мажруҳ  
афсар — тож, жиға, бирор нарсанинг боши, учи  
аҳсан — яхшиларнинг яхшиси  
аҳмар — қип-қизил  
аҳфод — авлодлар, набиралар  
байтулаҳзан — ғам уйи, кулба, маж: дунё  
барги нақд — барча қимматбаҳо нарсалар  
бахр — а) баҳра; б) ҳисса, улуш; в) учун  
бедил — а) ҳолсиз, дилсиз; б) қайғули, ошиқ  
бедодгар — зулм қилувчи, адолатсиз  
бекарон — чексиз, қирғоқсиз  
беҳзод — асл зот  
бидоят — бошланиш, ибтидо

бино — а) иморат; б) асос, суянчиқ  
 билкулл — бутунлай, батамом  
 ботил — бузилган, беҳуда  
 бурқаб — юзга тутилдиган парда, ниқоб  
 бут — а) оёқ; б) бут, санам; в) машуқа  
 бутратмоқ — тўзитмоқ, тарқатмоқ  
 вард — атиргул  
 варзини — манқ, одат  
 вирд — тарк этмай донм бажариб туриладиган вазифа, дуо  
 вуруд — келиш, келиб етиш  
  
 даранг — а) секни, тўхталиш; б) фурсат, вақт  
 дурахшон — ялтироқ, нурли, зиё берувчи  
 дурафшон — а) дур сочувчи; б) ажойиб шеър тузувчи; гўзал  
 сўзловчи  
 дуруд — мақтов, дуо, салом  
 дўш — а) орқа, кифт, б) ўтган кеча  
  
 ёвар — ёрдамчи, мадакдор  
 ёвуқ — яқин  
  
 жабҳа — манглай, пешана  
 жалис — ҳамсуҳбат  
 жамод — жонсиз табиат  
 жаноб — а) остона, бўсаға; б) мартабали, даражали  
 жилва — а) ялтироқлик б) ўзни гўзал кўрсатиш  
 жирм — жусса, гавда, бир нарсанинг борлиги  
 жовидон — абадий, доимий  
 жоми Нам — Намшид номини подшоҳ ясаттирган тилсизми жом  
 жонкоҳ — жонини қойишувчи, азоб берувчи  
 жоҳ — мансаб, амал  
 журм — гувоҳ, жинойт  
 жустужў — қидирини, излаш  
 жў — а) ариқ; б) сўз бирикмасида «истовчи, қидирувчи» маъно-  
 ларида келади  
 жўшон — қайнаб турган, тўлқинланиб турган  
  
 залолат — адашмоқлик, гумроҳлик  
 занг — а) занг; б) чанг, қора  
 замир — а) ич, қўнгил; б) фикр; в) эгаллик олмоши  
 зақан — бағбақа  
 зиҳи — яхши, гўзал  
 зои — йўқ бўлувчи, йўқоладиган  
 зулжалол — азамат ва энг буюк, буюклик эгаси



зуннор — мусулмон давлатларда яшовчи тарсонлар белга мажбуран боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир

иктиниб — узокланиш, сақланиш, тортиниш, қочиниш

изтирор — зарурат, ноч ралик

ийд — байрам, ҳайит

инон — а) жилов, тизгин; б) олд, ҳузур

инфиол — ҳижолат, уялиш

исор — бағишлани, инъом қилини

истифсор — изох сўраш, сўраб билиш

ишратсигол — хушвақт, ишратга мойил

иштиҳор — шухрат топиш

ихфо — яширини, махфий

иктидор — қодир бўлини

иъжоз — мўъжиза кўрсатиш

кабк — каклик

кави — борлиқ, дунё

камин — а) пана, хилват жой; б) кичик, тубан даражадаги

касолат — сустаник, ланиклик

килк — қамини қалам

килла — чодир, соябон

комёб — мақсадига эринган, бахтиёр

куфр — кофирлик

кўҳ — тоғ

лабрез — лиммо-лим, жуда мўл

лавҳ — а) ёйиқ нарса, ёзув тахтаси б) равшаник

«ла-йўҳиббу-з-залимин» — у золимларни ёқтирмади

лаҳи — овоз, куй, ашула

лояқил — ақли йўқ, ҳушсиз

лўлу — марварид, гавҳар

маал-қисса — шу билан бирга, хулоса шуки

мавзун — а) ўлчанган, қоматга яраша бичилган; б) чиройли;

в) вазнга солинган

мадҳуш — а) беҳуш, маст; б) ҳайрон, ҳайратланган

мажмуъ — а) тўнлам; б) ҳамма, жамъ

майгун — май рангли, қизил рангли

маркаб — улов, миншладиган ҳайвон

Масиҳо — Исо пайгамбарнинг лақаби «ўликин тирилтирувчи» маъносида

маснад — а) суянчиқ; б) тахт; в) юксак ўрин

масъуд — саодатли, бахтли

маҳз — а) мия, ақл; б) иллик

махлас — а) қутулиш; б) халослик жойи; в) тугаллавиш нуқта-  
таси

маҳмуд — мақталган  
машом — бурун, димоғ  
меҳр — а) қуёш; б) севги  
миён — ўрта, ўрталиқ, бел  
миҳан — меҳватлар, машаққатлар  
муалло — юсак, баланд  
муанбар — а) хушбўй; б) хуш исли қоп-қора нарса  
мубарро — холи, озод, пок  
мубоҳам — яширин  
мужа — киприк  
музтар — мажбур бўлган, почор  
мукаррам — ҳурматли, азиз  
мунис — улфат, ҳамдам  
мурғ — а) қуш, парранда; б) товуқ  
мусаххар — тасхир (забт) қилинган, ўзига қаратилган, бўйсун-  
дирилган  
мустадир — юмалоқ, тўгарак  
мустадом — ҳамшиша  
мутабассим — табассум қилган, астагина қулувчи  
муъжизбаён — энг юсак ғасоҳатли сўз эгаси  
муфт — текин  
муғанний — созанда, ашулачи  
муқаввас — қавсга ўхшаган, қайрилган  
муқарраб — яқин дўст  
мушкфом — мушк каби қора тусли  
муҳлик — ҳалок қилувчи, ўлдирувчи  
набот — а) ўсимлик; б) новвот  
намудор — кўриниб турган  
насрин узор — гўзал юзли  
неку — яхши, гўзал  
  
нигун — эгилган, тубан  
низор — а) бўш, нозик; б) ориқ, озгин  
нисор — сочиш, чочқи  
ниҳод — табиат, хислат; б) тузилиш  
нойим — ухловчи  
носих — насихатгўй  
нуқат — а) нуқталар; б) хон, в) доғ  
  
обдор — тиниқ  
обиҳайвон — тириклик суви  
омода — тайёр, тайёрланган  
офот — офатлар, бахсизликлар  
ошуб — ғавго, ҳаяжон

шаём — хабар, дарак  
шайкар — а) ҳайкал, гавда; б) сурат  
шайғом — хабар, дарак  
шартав — нур, шугъла  
шаймбар — пайғамбар  
шеша — ҳунар, одат  
шобанд — гирифтор, оёғи боғли  
шечон — ўралган, тўлганган  
шойбӯс — таъзим, ҳурмат  
шосух — жавоб

шавза — а) боғ; б) жаннат; в) азиз авлҷёлар қабри  
шавон — а) юрувчи, кетувчи; б) тез, тездан; в) жон, руҳ, ҳаёт  
шарш — чоңқир от  
шаршон — ялтироқ, норлоқ, тобланувчи  
шаръд — а) момоқалдироқ; б) ўт отадиган қурол  
шокиб — сувора, отлиқ, от миниб борувчи  
роҳ — а) шодлик; б) май; в) йўл  
шуд — мусиқа қуроли  
руҳафзо — руҳлантирувчи, жонлантирувчи  
руъят — кўриш, мушоҳада  
рӯзи — қундалик овқат, насиба, тириклик воситаси  
сабиҳ — гўзал, ҳуснли, латиф, ширин  
салламно — офарин, баракалла  
санавбар — а) қарагайга ўхшаган хушқомат дарахт; б) севгили-  
чинг келинган қомати  
сангдил — тошкўнги, марҳаматсиз  
сангин — а) тошдан ясалган; б) қаттиқ, оғир  
сансъ — созанда, ҳунарман; б) худо  
сар — а) бош; б) уч, чўққи  
сарв — а) тик ўсадиган, хушқомат дарахт; б) гўзал ёр  
сарпх — очиқ, аниқ, равшан, ойдин  
саромад — олдинги, илғор  
сарафканда — а) бони эгилган; б) ишоат этган  
сарофроз — а) юсак, улуғвор; б) қувноқ  
саршор — лиммо-лим, лиқ тўла  
саҳоб — булут  
саҳл — осон, енгил, қулай, арзимас  
саф — ёруғлик  
ситол — а) хулқ, одат; б) шикоят  
сидра — еттинчи осмондаги бир дарахт  
сиршик — кўз ёши  
собиқа — илгариги, аввалги  
солим — омон, соғ-саломат  
соний — яратувчи, пайдо қилувчи

субуктоз — чаққон, тез  
 суманбар — а) оқбадан, гўзал; б) севгил  
 сумансо — суманга ўхшаган, гўзал  
 сумансой — хушбўй ҳид тарқатувчи  
 сунбул — а) бир турли хушбўй қора рангли ўсимлик; б) севги-  
 ливнинг сочи  
 суроҳий — узун бўйли сув ва май идини  
 сууд — юқорига кўтариламоқ, ўрламоқ  
 сухавдон — сўз устаси, гўзал ва ўринли сўзловчи  
 тавҳид — а) сўфийликда ягона деб ҳисоблаш; б) тасаввуф та-  
 лимотида ҳақиқатга етишни, киши руҳининг илоҳий руҳ билан  
 қўшилиб кетиши; худога қўшиливи, сўфийликнинг бенинчи дав-  
 ри  
 тазаллум — зулмдан ниқоят қилиш, дод-фиғон  
 такаллум — гапирини, сўзлашини  
 талтиф — эркалаш, ширин сўзлар сўзлаш  
 тараб — хурсандлик  
 тарсо — ғайридин  
 тафоҳур — фахрлиниш  
 таъжид — ўзгартирини  
 тагофул — билиб-билмасликка олиш  
 тегру — ..гача, ..га, қадар  
 тоб — нур,  
 торож — таламоқ  
 тўбий — диний эътиқодда жаннат дарахти деб фараз этилган  
 гўзал дарахт  
 тузлук — тўғрилиқ, ҳалоллик  
 тул — узун бўй, узунлик  
 тулуъ — чиқини, кўриниши  
 туидхў — а) бир гапли; ўз гапида қаттиқ турувчи; в) назик  
 табнат  
 узор — юз, чакка  
 унсур — асос  
 уруж — юксалиши, юқори кўтарилиши  
 усру — кўп, ниҳоятда  
 устихон — суяк  
 уқбэ — охират  
 фард — а) якка, ёлғиз, б) ажралган  
 фарсо — сўз бирикмасида «бузувчи, битирувчи, путурдан кетка-  
 зувчи, тирновчи, чарчатувчи, тўзгитувчи» маъноларида келади

архунда — қутлуғ, бахтли, қувончли  
 асиҳ — жароҳатли, яралл  
 ерузбахт — а) бахтли; б) ғолиб  
 тутувват — а) йнгитлик, олижаноблик; б) карам, саховат  
 авз — чўмилиш, шўнғини  
 ат — а) чизиқ, из б) ёзув; в) янги чиққан мўйлаб; в) ёлғиз  
 биргина, ёки  
 калову мало — оёқ ости тупроғи, босган из  
 холиқ — яратувчи, халқ қилувчи  
 хомъёза — ҳомуза тортиш, эснаш  
 хон — а) дастурхон; б) смак, таом; в) албатта, ҳақиқатан  
 худ — а) узун учли; баҳайбат жез қалпоқ  
 худком — ўз манфаатини ўйловчи  
 хурдабин — майда нарсаи кўра билувчи, тезфаҳм, зийрак  
 хуруш — қичқирш, шовқинхур  
 хуршид — қуёш, офтоб  
 чарғ — қуш, парранда  
 чобук — а) чаққон, илдам, чавандоз; б) ўйноқи, шўх  
 шабистон — а) кечки ётоқхона; б) қоп-қоронғу кеча  
 шабранг — тил қора, қора от  
 шамъи тироз — нақилли шам  
 шарор — олов, ўт  
 шафъи — воситачи, ҳимоячи  
 шаҳбоз — лочин  
 шаҳвор — йширик ва аъло  
 шўр — ғавғо, тўполол  
 эзид — худо  
 эмин — тинч, хавфсиз  
 энг — руҳ, бет  
 эҳром — хажга борганлар Каъбани эпёрат қилиш чоғида кийим  
 ўрнида ўраниб оладиган яланг қабат оқ мато  
 ғариб — яқин  
 ғурбат — яқинлик, етишини  
 ғамин — ғамгин  
 ғоза — юзга суриладиган қизил модда  
 ғуфрон — кечирш, шафқат

ҳадаф — а) нишон жойи; б) йўналиш нуқтаси  
ҳадис — Пайгамбар сўзлари  
ҳай — тирик, жонли  
ҳамд — а) мақтов; б) ташаккур, шукр  
ҳамойил — елка ва қўлтиқ орқали ўтказиб тақиладиган боғ,  
масалан, қилч ёки китоб жилдининг боғи  
ҳонл — тўсиқ, ғов  
ҳувайдо — аён, равшан  
ҳужаста — ажойиб, муборак  
ҳумро — қизил

*Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти*

Адабий-бадний нашр

Муҳаммад Раҳимхон Феруз

ЭЛГА ШОҲУ ИШИҚҚА ҚУЛ

Девон

Муҳаррир Ж. Субҳон  
Рассом А. Кива  
Расмлар муҳаррири М. Карпузас  
Техн. муҳаррир Т. Смирнова

ИБ № 5317

Босмахонага 18.07.94-да берилди. Босишга 22.08.94-да рухсат этилди.  
Ўлчамлари 84×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. 1-ная босмахона қоғози. Адабий гарнитураси. Юқори  
босма. 8.40 Шартли босма тобоқ. 4,85 нашр босма тобоқ. Жами 30 000  
нуска. 503 буюртма. Баҳоси шартнома асосида 53—94 рақамли шартнома.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 700129 Тошкент  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-жур-  
нал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

Тарихий сиймолар ҳаётидаги, сиёсий фаолиятидаги ва шахсиятидаги мураккабликлар ҳаминша ҳам одил ёки ҳолисона баҳоланавермаган. Шоҳлик билан шопрлик ўртасида муштараклик жиҳатлари ўрнига зиддият ва номуносибликларни излаш эса кейинги чораккам бир асрлик ҳаётимизда оддий мезонга айланиб қолди. Бобур, Ҳусайний, Амирий ижодига турлича қараганимиз учун ўзимизни кечиролмай келаётирмиз. Номлари нарда ортида қолиб келаётган ижодкорлар меросини халқимизга стказин имкони туғилгани — истиқлол шарофатидир. Шу вақтга қадар унутилиб келган Феруз қаламига мансуб ушбу китоб ўзбек адабиёти муҳлисларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Муҳаммад Раҳимхон Феруз.

Элга шоҳу ишққа қул /|Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Г. Исмоилова; Масъул муҳаррир А. Абдуғафуров.—Т.:Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1994.—160 б.

Сарл. олдида: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси А. Навоий номидаги адабиёт инсти.